Обод маҳалла - бизнинг маҳалла

# ВАТАН ИЧРА ВАТАН

*Маҳаллалар бор экан, ота-боболаримиздан мерос азалий урф-одатларимиз, умуминсоний қадриятларимиз янгича мазмун, янгича шакл касб этиб яшайверади. Аҳиллик, осойишталик, уюшқоқлик қўрғони, демократия маркази ўзининг пухта ва ишончли мақомига эга бўлганлиги нур устига аъло нурдир.*

*Бу йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши Андижон вилояти меҳнат аҳлини ҳам руҳлантириб юборди. Шу боис бугунги суҳбатимиз маҳалла ва унинг имкониятлари ҳақида.*

## Эгалик туйғуси

**Тўлқинбой СОЛИЕВ, Избоскан тумани ҳокимининг ўринбосари:**

— Тумандаги 59 маҳалла фуқаролар йиғинида ҳокимликнинг ваколатлари масъулият билан бажарилмоқда. Асосий ишлар ҳашар йўли билан амалга ошириляпти. Жорий йилда йўл бўйларига, кўчаларга ҳар қачонгидан кўп дов-дарахт, гул кўчатлари ўтқазилди. Янги йўллар чиқарилди. Касб-ҳунар коллежи, тадбиркорлар дўконлари, «Тез тиббий ёрдам» бўлими бинолари қад ростлади. Маҳаллаларимизда маиший хизмат ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг 104 шаҳобчаси аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Албатта, ўзини ўзи бошқариш ўзинг топган маблағ эвазига бўлса айни муддаодир. Шу жиҳатдан олиб қараганда Турдиали Мамажонов номи билан аталувчи маҳалла фуқаролар йиғинида бу борада ибратли тажриба тўпланди. Йиғин раиси Абдуманноб Қобулов ўз маҳалласида кичик корхоналар очган, йиғиннинг ёрдамчи хўжалигини ташкил этган. Деҳқончилик қилади, терак етиштиради. Шу боис ҳам маҳалланинг ҳисоб рақамида миллион сўмдан ортиқ пули бор. Миллионер маҳалла давлатдан пул олмасдан кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилади. Яқинда 22 нафар болакайнинг суннат тўйларини ўтказди, ночор оила фарзандларидан 50 нафарига ўқув қуроллари, кийим-кечак олиб берди.

## Ижрочи эмас, ташкилотчи бўлишимиз зарур

**Мўминжон КАРИМОВ, Марҳамат туманидаги «Машъал» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси:**

— «Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик!» деб номланган кўрик-танлов анъанага айланиб қолди. Бутун вилоятни қамраб олган ана шу муҳим тадбирда ҳар бир хонадон, маҳалла, қишлоқ ва туман ўз ҳудудининг обод ва дилтортар, шинам ва файзли бўлиши учун курашади. Халқ ёппасига ҳашарга отланади. Кўп йиллик меҳнат мевасини бугун кўриб турибмиз: қинғир-қийшиқ, ўнқир-чўнқир кўчалар, ҳилвираб турган деворлар, лой томли уйлар умуман қолмади. Улар ўрнини ҳавас қилса арзигулик бинолар эгаллади. Буларнинг барчаси қишлоқ одамларининг маънавияти юксалиб, мустақил диёрнинг чиройини, мавқеини оширишга интилаётганлигидан далолатдир. Янги маҳаллаларга халқ ўз кучи билан ичимлик сув, табиий газ тармоғини олиб кирмоқда.

Бизнинг Шукурмерган қишлоғимиз газ билан асосан таъминланди. Яқинда замонавий амбулатория биноси қуриб битказилди. «Марҳамат-Кува», «Марҳамат-Асака» йўллари янгича қиёфага кирди. Тандирчи, Ўқчи, Дорбоз, Кўтарма қишлоқларидаги ободончилик ишлари кўнгилни тоғдай кўтаради.

Маҳаллани биз Ватан ичидаги Ватан деймиз. Аслида ҳам шундай. Кичик бир йиғиндан тортиб тўй-томошагача, оддийгина қурилишдан тортиб кенг кўламдаги ободончилик ишларигача халқ билан бамаслаҳат амалга оширилади. Шундай экан, қишлоқ фаоллари, айниқса, оқсоқоллар ижрочи эмас, ташаббускор, интилувчан бўлишлари керак.

## Баҳри дилим очилсин десангиз...

**Юсуфжон МЎЙДИНОВ, «Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик!» кўрик-танлови ғолиби. Қорасув шаҳридаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқароси:**

— Бу йил шаҳримиздаги барча катта-кичик меҳнат жамоалари, аҳоли истиқомат жойлари, майдонларда ажиб кўтаринкилик ҳукм сурди. Шаҳримиз гулга бурканди. Яшаганга яраша баҳри-дилим очилиб яшайин, деган одамки ободончилик учун интилди. Уч тегирмон кўчасида яшовчи Мунаввархон ая Ғойипова билан менинг хонадоним кўрик-танловда ғолибликни эгалладик. Шуниям айтиб ўтай, бу беллашувда шаҳримиздаги 7 минг хонадон қатнашди.

Қишлоқ ва шаҳар мулкдорларидан кўпи ўзлари учун ҳашаматли уй-жойлар тиклашдан кўра, маҳаллаларини ободонлаштиришга эътибор қаратаётгани таҳсинга лойиқ. Ана шундай тадбиркорларимиздан бири Андижон кўчасида яшовчи Баҳодир Қодиров янги гузар қуриб берди. Гузарда аҳолига туну кун савдо хизмати кўрсатилмоқда. Бу ерда йўловчилар учун дам олиш хоналари тикланган. Яна бир тадбиркоримиз Абдумўмин Юсупов «Сарбон» деб аталган савдо ва маиший хизмат уйини қорасувликларга тортиқ қилди.

Сармоядорлар, дасти узун инсонлар қанча кўпайса, яшаб турган жойларимиз шунча обод, кўркам бўлади. Эл нафланади. Мухтасархон Халилова деган синглимиз маиший хизмат марказини ташкил этди. Сирожиддин Шарофиддинов деган яна бир биродаримиз кичик корхона очиб, маҳаллий ёшлардан 25 нафарини иш билан таъминлади. Улар ишлаб чиқараётган трикотаж буюмлари харидорларга маъқул тушмоқда. Яқиндан бошлаб эркаклар ички трикотаж кийимлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

Аҳмад Яссавий номли маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли кутубхона, «Нуроний» жамғармаси тасарруфидаги «Фахрийлар уйи» катта-ю кичик билан ҳамиша гавжум.

* * *

Президентимиз «Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин», дея алоҳида таъкидлаган эдилар. Ҳа, бу вазиятни, муҳитни шакллантириш, қарор топтириш, энг аввало, маҳалла фаолларига, ҳар биримизга боғлиқ.

Маҳалла ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президентимиз Фармонларини, ҳукумат қарорларини бажаришга фуқароларни сафарбар этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганига бугун гувоҳ бўлмоқдамиз. 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили», деб эълон қилиниши, шубҳасиз, жонажон маҳаллаларимиз нуфузини янада оширади. Ривожига ривож, камолигакамол қўшади. Яшаб турган ҳудудларимиз янада бокиралик, тароват, кўркамлик касб этади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Оқ орзулар оқшоми

Публицистика

Ҳатто қучоққа сиғмас тошларни ҳам олдига солиб қувлаб келувчи селлардан пайдо бўлган жар зийидаги бир туп шохлари тарвақайлаган «қушқўнмас» дарахти остида тустовуқ писиб ётибди. Жунида холхол доғлари бўлган қуён югуриклаган куйи сал наридаги тизза бўйи тепаликдаги инига кириб кетди.

Лайлакқор тиним нелигини билмай, жинғил ва туронғиларнинг қуруқ шохларига қўнгани-қўнган. Сал нарида — бир учи қирга туташган қишлоқ ястаниб ётибди. Димоққа пиёздоғ иси урилади. Қишлоқ уйлари тартиб деганларини писанд қилмай, айқаш-уйқаш қурилган. Ошхоналарнинг мўриларидан буралиб-буралиб кўкка тутун ўрлайди.

Ҳасан мўйлов Олапарининг куни туғди. Хўжасининг ҳар замон-ҳар замонда ўзига ирғитган без аралаш гўштларни қорга тушмасдан илиб олади. Ҳалима муаллим жун рўмолини бошига уч марта айлантириб ўрагунча тандирга саксовул қалайди. Олов тафтидан ёноқлари «лов-лов» қилади. Абдувоҳиднинг кенжатойи Набига шу куни шамол ҳавас қилса ҳам асакаси кетмайди. Болакай уйдан ўқдай отилиб чиқиб, Зоҳид дўкончининг сомон-шувоқ дўконига кириб боради. Серқавиқ тўнининг ўнгирини қайириб олганча яна дўкондан чиқиб, уйга учади. Тили бир қарич осилиб қолган сариқ лайча болакайнинг ортидан қолмайди.

Қишлоқни оралаб оққан сойнинг муз қоплаган тубида бир жилға «чулдур-чулдур» қилади. Тўрт-беш одам қорга тиқилган машинани зўр бериб жойидан жилдириш билан овора.

Малик зирафурушнинг ҳовлисидаги нарвондан шитоб билан томга чиқиб олган мушук белини гажак қилиб, пастда қолган итга «пих-пих»дея дағдаға этади. Шу маҳалда боғдами, кўчадами чўққайиб ўтириб атрофга қулоқ тутсангиз, ғалати-ғалати овозларни эшитасиз. Бостирмаю молхоналардан челакларга «пов-пов»лаб сут қуйилади. Елинидан оғзи узилган бузоқлар меҳр ва серқаймоқ сут илинжида узун-қисқа маърашади. Туёқлари билан кун бўйи қор остидан қуруқ хас-чўп қидирган ушоқ моллар қўра ўртасидаги янтоқ ғарамини «каср-куср» чайнаганча ҳузурланади.

Бу қишлоқда ғаллакор эл яшайди. Бунда чорвадорлар кун кечиради. Тандирларда қизариб пишаётган нонлардан таралган бўйлар қор босган қишлоқ йўллари узра уфуради.

Бу оқшомни қишлоқ одамлари бир йил кутади. Бу оқшом қишлоқ болаларининг ёдига нақш бўлиб чизилади.

Қўралар эшиги зичланади. Тандирлардан охирги нонлар узиб олинади. Гал қулфлари «жаранг-журунг» қилиб очиладиган сандиқларга келади. Болакайлар нафасларини ичларига ютганча оналарининг сочларига тақиб қўйилган калитларнинг тезкор ҳаракатларига суқланиб қарашади. Хонани кишмишу қора майизларнинг қуюқ ҳиди тутиб кетади. Кўп ўтмай навбат шифтларда илинган «Ҳасайни»ю «Каттақўрғон» узумларига келади. Нормат подачи учи атайлаб кертилган ирғай таёқ билан шифтдаги узум бошларини эпчиллик билан илиб олади. Кейин қазноқдаги устига сомон тўшалган қумлар ковланади. Олмаю ноклар дарахтдан қандай узилган бўлса, шундай турибди. Уларни кўриб, кишининг оғзига «қилтиллаб» сув тўпланади.

Бу пайтда аллақачон қош қорайиб, атрофга сукунат ўз ҳукмини ўтказиб улгурган бўлади.

Қор эса ҳаловатдан воз кечиб ёққани-ёққан. У қавиган оппоқ кўрпа тагида майса аталмиш уч-тўрт энли бир ҳаёт нафас олади. Тонгда булоқларга эниб борувчи какликлар тош уюмлари орасида қунишиб ўтиради. Шувоғу қуриган янтоқ остидан бир тутам илиқлик ахтарган тустовуқлар жим. Тулкию чиябўрилардан чўчиган қуёнлар уяларида кулранг жужуқларини ачомлаганча уйқуга кетган.

Паррандаю даррандалар бу оқшом қандай оқшом эканлигини билмайди. Бешикдаги чақалоқлар бу тун не тун эканлигини илғашмайди.

Дастурхон атрофида тўрт кўзи тугал бўлиб ўтиради. Самад тракторчи Яратгандан келгуси йил уч қизининг ёнига ўғил беришини сўрайди. Етти ўғилнинг отаси бўлган Расул тегирмончи лўлага ёнбошлаб хотини Тозагул билан ул-булдан гурунг қилади. Иккалови ҳам Худодан янги йилда қиз беришини илтижо қилади. Аммо бу тилаклар кўнгилдан чиқиб тилларга кўчмайди. Бу тилаклар кўнгилларнинг тубида яшайди. Ўнлаб хонадонларда айтилган ниятларнинг барчаси мисоли эгизак қўзиларни эслатади: «Янги йилимиз баракали келсин... Қор кўп бўлсин, ёмғир кўп бўлсин...»

Ош бостирилган чинни лаганлар кўтарилади. Гўштлар тўғралади. Соат милларининг ўн иккига етиб боришини кутмаган ўғил-қизлар бевақт келган «тур-тур»дан ҳайрон. Улар шу ҳайронлик етовида лаганга истаб-истамас қўл узатишади. Шу ҳайронликни шерик қилиб чўнтакларига яширилган олмаларни ачомлаганча яна уйқуга кетишади.

Зариф чавандозу Жума чавандозларнинг бугун ҳам ҳаловатлари йўқ. Ош юқи қолган бармоқлари билан отларнинг ёлларини силайди. Хотинларининг «вой-вой»ига қарамай, дастурхондан ўмариб чиққан кишмишларни отларининг оғзига тутишади.

Жума чавандоз менга бир гапни айтиб эди. Эмишки, зоти тоза отнинг соҳиби тушида ҳам, ўнгида ҳам марра кўрар экан. Эр одамга отдан вафодор йўлдош йўқ экан. Зеро, тўй бўлмаса, кўпкари бўлмайди. Кўпкари бўлмаса, чавандоз марра кўрмайди. Марра кўрмаган эр ўзини зўр билмайди.

Одамлари гапирмаса-да, кўнгилларида юртга омонлик, элга тинчлик, ўғил-қизларга толе тилаб яшайдиган бу қишлоқ гўзал шаҳарлардан юзлаб чақирим нарида. Бул қишлоқнинг қаватида яна неча-неча қишлоқлар бир-бирига туташиб, бир-бирининг қўлидан маҳкам тутиб, қор қўшиғини тинглаб ётибди. Бу эл одамлари ёғли қўллари билан ялтираб турсин, дея от ёлларини силашади. Бу қишлоқларда узумлар пештоқларга осилади. Ноклар қумларга кўмилади. Бу ернинг одамлари бошоқлари тўқ буғдойларнию бозорларда сотиладиган қўшалоқ бешикларни яхши кўришади. Улар мўл ёққан қор бинафшанинг қулоғидан тортишини, ялпизларга жон беришини яхши билишади.

Улар баландпарвоз гапларни айтишдан уялишади. Уларнинг покиза орзулари далалари каби кенг юракларида, осмонлари каби бегард қалбларида яшагани-яшаган.

Улар тилак тилаганда тоғларни қўшиб, дарёларни қўшиб гапирадилар. Улар тилак тилаганда ана шу дарёларни, далаларни, майсаларни юрт дея ўйлаб, дуога қўл очадилар.

Ай, шу одамларнинг садақаси кетай. Ай, шу одамларнинг дардини олай!

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Самарқандлик пахтакорлар уруғлик тайёрлашмоқда

Самарқандлик пахтакорлар бир неча йилдан кейин, бултур биринчи марта давлатга 250 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб бериб, шартнома режасини бажардилар. Айни пайтда вилоят "Пахтасаноат" бирлашмасининг барча корхоналарида йиғиштириб олинган "оқ олтин"-ни қайта ишлаш билан бирга, жорий йил учун ҳам уруғлик чигит тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Асосан эртапишар, серҳосил, табиий иқлим шароитига мос, тола чиқиши юқори бўлган ва харидоргир навларнинг уруғлари тайёрланмоқда. Пахтакорларга кейинги пайтда "Оқдарё-6", "Омад", "Меҳр" навлари маъқул келиб, улардан мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Уруғликнинг эҳтиёжидан ортиқчаси, бошқа вилоятларга ҳам жўнатиляпти. Ҳозиргача саккиз минг тонна уруғлик тайёрланди.

Нарпай туманида бу ишга алоҳида эътибор берилаётганлиги боис ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам режа ортиғи билан уддаланади. Тумандаги "Зирабулоқ" ҳиссадорлик жамиятида хомашёдан сифатли, тоза уруғлик олиш яхши йўлга қўйилган.

— Ютуқлар омили асосан навга боғлиқ, — дейди туман ҳокими Акбар Жамилов. — Ҳар йили тажрибали деҳқонлар билан маслаҳатлашиб, иқлимга мос, эртапишар, касаллик ва сувсизликка чидамли навларни танлашга ҳаракат қиляпмиз.

**СУРАТЛАРДА: "Зирабулоқ" корхонасида уруғлик тайёрлаш давом этмоқда.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.**

# Ўзбекистонда кредит иттифоқларини ривожлантириш

*Пойтахтдаги "Ravshan" меҳмонхонасида "Кредит иттифоқларида молиявий фанлар" мавзуидаги тренинг-курс бўлиб ўтди. У "Ўзбекистон қишлоқ жойларида омонат ва кредит уюшмаларини синовдан ўтказиш" лойиҳаси доирасида ташкил этилди. Мазкур лойиҳа Жаҳон кредит уюшмалари кенгаши (WOCCU) томонидан Осиё тараққиёт банки ва АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) молиявий кўмагида амалга оширилмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Қонунни қабул қилганидан сўнг, ўтган йилнинг май ойида амалга оширила бошланган ушбу лойиҳанинг асосий мақсади мамлакатимизда кредит уюшмаларининг миллий тизимини яратишга техник ёрдам кўрсатишдан иборат.

Лойиҳага киритилган кредит уюшмалари билан бевосита ишлашдан ташқари лойиҳа кредит уюшмалари фаолияти устидан самарали назоратни ўрнатиш ва бошқариш учун меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш масалаларида Ўзбекистон Марказий банки билан яқин ҳамкорликда ишламоқда.

Лойиҳа натижалари бутун республика бўйлаб кредит уюшмаларини ташкил этиш учун асос вазифасини ўтайди. Бу эса тадбиркорлик фаолияти, молиявий бозорнинг янада кенгайиши ва ривожланишига хизмат қилади.

Ўтказилган тренингда Бухоро, Самарқанд, Наманган кредит уюшмалари кенгаши ва ижрочи раҳбарияти аъзолари ҳамда бошқа вилоятлардаги шундай ташкилотлар вакиллари қатнашди. Бугунги кунда лойиҳа доирасида Бухоро, Наманган, Самарқанд вилоятларида кредит уюшмалари ташкил этилган. Улар ҳозирдаёқ кредитлар бериш ва ўз аъзоларидан депозитлар олиш бўйича операцияларни амалга ошира бошлади. Ушбу ташкилотлар аъзоларининг умумий сони 2300 кишидан ортди. Умуман республика бўйича еттита кредит уюшмаси фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари тадбирда бир қолипдаги кредит уюшмаларини тузиш мақсадида молиявий фанлар, PEARLS кредит уюшмалари фаолияти мониторинги тизими коэффициентлари, PEARLS ва CAMEL молиявий мониторинг тизимлари қиёсий таҳлили, 2002 йил якунларига кўра мазкур ташкилотлар молиявий фаолияти натижалари таҳлили каби йўналишларда тақдимотлар бўлиб ўтди.

**(ЎзА).**

# ҚОНУН ПОСБОНЛАРИГА ҚОНУН ЙЎҚМИ?

*Ёхуд Наманган вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси, салкам икки йилдирки, «Мухтасар» хусусий фирмасидан қарзини узмаётгани хусусида*

Бўлди қизиқ ҳангомалар...

Гапнинг индаллоси шу: бугун замон ёмон эмас, замонга боқмаган ёмон. Замонга боққан одамни қўллаб-қувватлаш ўрнига овора-ю сарсон қилган, охир-оқибат бошини берк кўчага киритиб қўйган эса ундан-да ёмон! Гапимга ишонмасангиз, мана бу ҳангомага қулоқ тутинг:

Чортоқлик Ҳамрохўжа Жўраев 1997 йили хайрли бир ишга қўл уради. Бунёдкорлик юмушлари ила шуғулланувчи хусусий фирма очади. Унга эзгу ниятда "Мухтасар" деган ном қўяди. Шу тариқа ўзи яшайдиган Короскон қишлоғида бекор юрган ёшлардан ўн беш-йигирма нафарини муқим иш билан таъминлайди. Баҳоли қудрат ҳамюртлари корига ярайди.

Фирма 2001 йил кўкламига қадар узлуксиз фаолият кўрсатади. Кейин эса росманасига синади. Устига устак, унинг соҳиби бўғзигача қарзга ботади. Бора-бора одамлар назлида субутсизга айланиб, эл-юрт орасида бош кўтариб юролмай қолади. Бунга унинг ишга нўноқлиги ёки ёлғончилиги эмас, балки қонун посбонларининг лафзсизликлари сабабчи бўлади.

Воқеанинг қисқача тафсилоти қуйидагича: 2000 йил 12 сентябрь куни Ҳамрохўжа Жўраев ва Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси ўртасида бошқарма биносини таъмирлаш юзасидан икки томонлама шартнома имзоланади. Бажарилажак иш ҳажми 18 миллион сўмга баҳоланади. "Мухтасар"чилар мажбуриятни ўринлатиш ниятида жадал ишга киришадилар. Олти ой мобайнида ҳалол меҳнат қиладилар. Амалда 23 миллион 515 минг сўмлик қурилиш-йиғиш юмушларини адо этадилар.

Орадан ўтган вақт оралиғида тизимда бирмунча ўзгариш рўй беради. Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими вилоят прокуратураси ҳузуридаги бошқармага айлантирилади. Фирма таъмирлаётган бино унинг тасарруфига ўтказилади. Шунга қарамай, Давлат солиқ бошқармаси ваъдага вафо қилади. Юқорида кўрсатилган маблағнинг 17 миллион 555 минг сўмини ўз ҳисобидан "Мухтасар"га ўтказади. Қолган 5 миллион 969 минг 300 сўмнинг ҳисоб-китобини эса прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ўз гарданига олади. Бироқ...

"*Биз*, — деб ёзади Ҳамрохўжа Жўраев таҳририятимизга йўллаган шикоят хатида, — ***2001 йил мартида зиммамиздаги вазифани уддалаб, бинони фойдаланишга топширдик. Сўнгра ҳақимизни сўраб, бошқармага қатнай бошладик. Бош ҳисобчи М.Йўлдошев ҳар хил важларни рўкач қилиб, уч ойни ўтказиб юборди. Охири «Ҳокимиятга хат қиламиз», деган баҳонада қўлимдаги шартнома ва бажарилган ишлар далолатномасини олди. Мен унга ишондим. Ҳатто, «меҳмон»ларини кузатиши учун бир неча бор моддий ёрдам бердим. Аммо у мени алдаган экан. Амалда ҳеч қандай ёрдам кўрсатмади. "Эрта келинг, индин келинг"дан нарига ўтмади. Бош ҳисобчидан бирор иш чиқмаслигини сезгач, бошқарма раҳбарининг шахсан ўзига учрашиб, арз-додимни айтмоқчи бўлдим. Афсуски, минг бир баҳонаи сабаб, мени унинг қабулига киритишмади.***

***Ана, хизматга туҳматнинг оқибати: ишимиз тақа-тақ тўхтади. Фирмамиз инқирозга учради. Ишчиларимиз тарқаб кетишди. Улардан, ёрдамчи пудратчилардан ва бошқалардан қарзимиз кўпайди. Масалан, ўша пайтда даромадимиз ҳисобидан 600 минг сўмлик солиқ пули тўлашимиз шарт эди. Уни муддатида топширолмаганимиз туфайли ўсиб-ўсиб, бугунги кунда салкам икки миллионга айланди. Биз олишимиз лозим бўлган 5 миллион 969 минг 300 сўм эса, бозор нархида, икки-уч баравирга ошди.***

***Қисқаси, мен тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлиб, ўз бошимга ўзим ғалва орттирдим. Моддий-иқтисодий жиҳатдан катта зарар кўрдим. Энг ёмони, жароҳати осонликча битмас маънавий зарбага учрадим. Фирмам ишчилари, ҳамкорларим, маҳалла-кўй олдида обрўйимни йўқотдим. Ҳуқуқий демократик жамият қураётган бир пайтда, ўзгаларнинг лоқайдлиги туфайли, қорнимга эмас, қадримга йиғлайдиган аҳволга тушиб қолдим.***

***Хўш, бунинг учун ким жавоб беради? Ёки қонунлар фақат фуқаролар учун чиқариладими? Қонун посбонларининг ўзлари унга амал қилишлари шарт эмасми?.."***

"Мол аччиғи — жон аччиғи!" дейдилар. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, ортиқча ҳиссиётларга берилгани ёки берилмаганидан қатъи назар, Ҳамрохўжа Жўраевни тушуниш керак. Уни моддий йўқотишдан кўра маънавий йўқотиш, аниқроғи, ор-номус кўпроқ изтиробга солган. «Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним» қабилида иш тутган, андишанинг отини қўрқоқ билган адолат пешволарининг лоқайдликлари, инсон ҳақ-ҳуқуқини менсимасликлари қаттиқ ранжитган. Инчунин, уларга нисбатан ишончини йўқотган. Наманганда дардига малҳам тополмагач, пойтахтдан нажот кутган. Бор гапни қоғозга тушириб, таҳририятимизга мурожаат этган.

Биз ана шуларни назарда тутиб, «Мухтасар» раҳбарининг шикоят-аризасини текшириш ва зарур чора-тадбирлар белгилаш учун мутасадди ташкилотга жўнатгандик. Шу муносабат билан уч ҳафтача бурун республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг шахсий таркиб бўйича инспекцияси бошлиғи Б.Тўйчибоевдан расмий жавоб хати олдик. Унда таъкидланишича, ариза инспекция ходимлари томонидан текширилган. Шу жараёнда, бошқарма бош ҳисобчиси М.Йўлдошев Ҳ.Жўраевдан қарз сифатида 100 минг сўм пул олиб қайтариб бермагани ҳақидаги важни истисно қилганда, қолган барча далиллар тасдиқланган. Жавоб ниҳоясида 5 миллион 969 минг 300 сўм пулни "Мухтасар" хусусий фирмаси ҳисобига тўлаб бериш чоралари Наманган вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси томонидан кўрилаётгани эслатилган.

Бу яхши, албатта. Лекин "қарзни тўлаш чоралари кўрилаяпти" дегани ҳали "у батамом тўланди" дегани эмас. Аниқроғи, қачон, қай тарзда рўёбга чиқиши мавҳум бўлган насия гап. Бу — биринчидан. Иккинчидан, ўзингиздан қолар гап йўқ, прокуратура ҳузуридаги мазкур бошқарма нуфузли ташкилотлардан ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси баайни соҳага доир қонунларнинг бажарилишини назорат қилишдан, муайян жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишдан, уларнинг олдини олишдан иборат. Бас, шундай экан, ҳақли савол туғилади: бошқалардан қонунга риоя этишни талаб қиладиган бошқарма мутасаддиларининг ўзлари нега сўз билан иш бирлигини таъминламадилар? Нега бировнинг ҳақини шу пайтгача ўз хоҳишлари билан тўлашни ўйламадилар?

Хўш, эртага нима бўлади? "Мухтасар"чиларнинг икки йил нари-берисида кўрган моддий-маънавий зарарлари, ортиқча чеккан ғам-ташвишлари учун ким жавоб беради? Бундай нохуш ҳолатнинг келиб чиқишига сабабчи бўлганларга нисбатан қандай жазо қўлланилади?..

Айтинг-айтинг, ишқилиб, охири бахайр бўлсин. Бошқармадагилар хатоларини тан олиб, хусусий фирмага таъмир ҳақини тўла-тўкис тўлаб беришсин. Акс ҳолда, яна субутсизга чиқиб, ҳамкасблари шаънига доғ туширишлари, эларо юзлари шувут бўлиб қолишлари ҳеч гапмас.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** ***Дарҳақиқат, лафз — пулдан қиммат. Қарзни бериш эса фарз. Амалда қисман шундоқ бўлди ҳам. Мақоламиз саҳифаланаётган бир пайтда Ҳамрохўжа Жўраев Чортоқдан сим қоқди. Унинг айтишича, газета аралашуви зое кетмабди. Икки йилдан буён туя гўшти еб ётган 5 миллион 969 минг 300 сўм ниҳоят "Мухтасар"нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилибди. Лекин бугунги кун нарх-навоси бўйича индексация қилинмабди. Маънавий зарарни тўлаш ҳақидаям тайинли гап-сўз бўлмабди. Шу боис фирма раҳбари бу хусусда республика Олий хўжалик судига даъво-ариза билан мурожаат қилибди... Қани, бир оз кутайлик-чи, бу сафар можаро қандай якун топаркин?!.***

*Демократия — фақат назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир...*

*Демократия жамиятнинг қадриятига, ҳар бир инсоннинг бойлигига айланмоғи керак.*

**Ислом КАРИМОВ**

# ЎЗБЕК ХАРАКТЕРИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

## Демократия — фазилат

Эътибор беринг, Юртбошимиз талқинида демократия — бойлик, яхшилик, фазилат, неъматга тенглаштирилмоқда. Бу бойлик билан халқимиз ўз турмушини тўлдириши ярашади. Турмушимиз, руҳиятимиз, анъаналаримиз, маданиятимиз, психологиямизда ана шу бойликнинг кундалик аломатлари қандай? Буни ўзбекона турмуш демократияси деса бўлар. Чунки буларнинг ҳаммаси ҳар куни ўзбекларнинг 24 соатлик турмуши деган давомат ичра кечади.

Табиатан одам (агар ер юзида битта ўзи бўлса) истаган жойида, ўзи хоҳлагандай яшашга ҳақли. Бироқ, одам кўпайиб боравергач, ер юзи «торайиб», унинг бу табиий ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятлари ҳам торайиб келаяпти. Чунки унинг мулки, соғлиги, озодлигига ўзи каби бошқа одам(лар) томонидан таҳдид доимо мавжуд-да. Қолаверса, бир кишининг якка ўзи хавфли яккалик, табиат, ҳайвонлар ҳужумига ҳам дош бера олмайди. Ибтидоий жамоа давридаёқ инсон бунақа абсолют эркинликдан воз кечган. Одамлар беихтиёр ўз табиий ҳуқуқларининг бир қисми (истаган ерда, ўзи хоҳлагандек яшаш)ни бошқа одам(лар) билан бўлишиб, бирга яшашга, бирлашишга мажбур бўлган. Ана шундан бошлаб, ҳар бир одам бахти, мулки, эрки, маишати ўзидай бошқа биров(ники)га халақит бермагунча эркиндир.

Одам ўзи истаган жуда кўп нарсаларни қила олмайди. Унинг эркини табиат, парвардигор ҳам чеклаган. У канот боғлаб учишни, бошқа сайёраларда дам олишни истайди. Бироқ ундаги учиш эркининг чекланиши ақли орқали ер юзининг эгалиги ҳисобига қоплангандир. Чунки бундай ақлли, «одам қуш» барча паррандалар эркига рахна солган бўлур эди.

Одам ерда ҳам абсолют эркин эмас. У бировнинг ҳовлисига сўрамай кира олмайди. Транспорт ҳайдашда ҳам эркин эмас. Кимсасиз биёбонда Нексияни истаган тезликда, истаган томонга ҳайдайсиз, бироқ, Мехико, Тошкент, Нью-Йоркда бундай ҳайдаш эрки йўқ. Кўчада юзлаб белгилар сизга қаёққа қараб юриш мумкин, мумкин эмаслигини қатъий чегаралаб туради. Уларни инкор қилсангиз — жазоланасиз. Олий ҳакам — светофор. Сизни светофор эмас, бошқаларнинг бузилган эрки — демократия жазолайди.

Ҳа, қанчалик ёқимсиз бўлмасин кўпчиликнинг иродасини ифодаловчи демократия ҳар куни, ҳамма жойда, барча соҳада бўлмаса, ишламаса бу жамиятни фуқаролик жамияти деб бўлмайди. Шундай экан, мактаб синфида ҳам,университет аудиторияларида ҳам, фермер хўжалигида ҳам, мажлисда ҳам, телекамера олдида ҳам у бўлиши, бизлар бормизми, демак, у ҳам бизлар билан бирга яшаши керак. Демократик муносабатлар санъатда, ишлаб чиқаришда, ижодда, иқтисодиётда, илм-фанда, маҳаллада қанча тез одатга айланса, фуқаролик жамияти шунча тез барпо бўлади.

Демократия узоқда, пастда ё баландда эмас. Ёнимизда, ўзимизда. Демократия — ўзимиз муҳокама қилиб, маъқуллаганимиздан сўнг қабул қилинган ёзма қонунларга оғишмай, ихтиёрий амал қилишимиз. Бу тўғри. Лекин ҳаёт, турмуш ёзилган ҳуқуқий ҳолат, вазиятлардан неча юз чандон, бой, ранго ранг.

Албатта, демократия юридик қиёфага ҳам эга, бироқ, сайловда овоз бериш, ўз ҳақ -ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш одам ҳаётида ҳар куни бўлавермайди. 4-5 марта учраса-учрар. Қолган пайтда у демократиядан ташқарида бўладими? Жамиятимизни фуқаролик жамиятига айлантиришга халақит бераётган сабаблардан бири демократияни ерда, ўзбекча либосда, ўзбекча тасаввур қилиш қийин бўлаётганида эмасмикан? Демократияга кундалик турмуш меъёри эмас, одамларнинг суд, ҳуқуқ-тарғибот органлари билан муносабат тамойили сифатида қаралаётганлигида эмасмикан? Балки демократияни ҳаётнинг икир-чикирларига, одамларнинг ҳар куни кўриб, эшитиб юрган мисол, муаммоларига боғлаб тушунтирган маъқулдир: Демократия бу — кўпчилик ўзлари муҳокама қилиб, келишиб, рози бўлиб қабул қилган қонунларга онгли, сўзсиз, ҳамма жойда ҳар соат риоя қилишидир. Яна ҳам соддалаштирамиз: Демократия бу — одамнинг ўзи таклиф қилган ёки ёқлаб овоз берган қоидага, аввало, ўзи амал қилиши. Кўпчилик тасдиқлаган қоидага қарши бўлса ҳам норозилигини букиб, онгли бўйсуниш. Норозилигини қонун доирасида айтиш. Кўпчиликка кўниш. Тантилик. Қонунларга улар эълон қилинган кундан амал қилинади. Демократиянинг фазилати шундан иборат. (Футбол ўйини қоидаларига — футболчининг, Конституцияга — фуқаронинг, Гиппократ қасамёдига — шифокорнинг, меҳнат кодексига — ходимнинг ихтиёрий бўйсуниши каби).

## Демократия — тартиб

Турмушнинг ёзилмаган қонун-қоидалари, миллионлаб вазиятлари бор, бўлади. Бундай вазиятлар Авестода, Қуръони Каримда, ҳадисларда ўз даври учун меъёрлаштирилган. Лекин бугун янги меъёрларга, демократик тартибларга ўтаяпмизда. Ҳамма нарсани ана шу вазиятда одамнинг ўзини демократик тутиши ё тутмаслиги ҳал қилади. Буни кундалик турмуш демократияси, тартиби, деб аташ мумкин бўлар.

Турмуш демократияси қачон, қаердан бошланади? Одам уйқудан кўз очиб, кунини бошлайдиган уйидан. Эрталаб болаларнинг кўзи ота-онага, уларники - болаларга тушганда. Уларнинг бир-бирларига биринчи нигоҳидан, биринчи сўзларидан бошланади. Ота-онанинг ҳам, болаларнинг ҳам айтган сўзлари оила ўрганган, ёзилмаган, лекин риоя қилинадиган «низом», «тартиб», «конституция» доирасида бўлади. Ота ноҳақ сўкса, она сабабсиз қарғаса, фарзандлар алдаса, бузилади. Бу бузилишдан ҳамма хафа, норози бўлади.

Ота-оналар ишларига, болалар ўқишларига, елиб кетадилар. Уларни энди кўча, маҳалла, мактаб, ишхоналарнинг демократик «ҳудудлар»и кутиб олади.

Йўл, кўча демократияси — автомобилда, пиёда юриш қоидаларига онгли, кўнгилли риоя қилиш. Пиёдаларнинг гавжум йўлнинг қаеридан юришлари, қаеридан кесиб ўтишлари мумкин ёки тақиқланганлиги келишиб олинган. Шартли белгилари шартлашиб олинган. Чизиб қўйилган. Ҳайдовчининг ҳам ўз касбий «қонуниятлари» бор. Бу — йўлда транспортни бошқариш қоидалари, турли тақиқловчи, огоҳлантирувчи, буюрувчи белгилар. Беғараз светофор — ҳайдовчиларнинг бурч ва ҳуқуқларини бир-бирларига бўлиб бериб туради. Қизил билан яшил орасида адолатни ўлчаб туради. Амал қилган соғ-омон, хушнуд. Бурчини унутиб бошқаларнинг ҳуқуқини бузган ҳайдовчини муюлишда йўл ҳаракати нозири кутиб олади. Ҳаракатланиш демократиясини бузган тартиббузар ҳайдовчини патруль эмас, кўчада автомобиль ҳайдаш қонунлари, ҳаракатланиш демократияси жазолайди.

## Демократия — тенглик

Ишга етиб келган ота-оналарни ишхонадаги ёзилган ички қоидалар, касаба уюшмаси, меҳнат кодекси ва ёзилмаган - ҳамкасбларнинг ўзаро муносабатлари, «раҳбар-ходим», «ходим-ходим» каби вертикал ва горизонтал муносабатлар демократияси кутиб олади. Шу ўринда газетхон «нега муаллиф муносабатлар одоби, андишаси, маданияти» демай, «демократияси» деган сўзни ишлатаяпти, деб ўйлагандир. Биз бир нарсага урғу беришни ихтиёр этдик. Яъни ҳар қандай одоб, андиша, ҳурмат-иззат, ширинсуханлик, ўзаро розиликка қурилган тенглик пойдеворига (демак, демократик принципларга) қурилмаса бўлмайди. Тенглик бўлмаса, муносабатлар сунъийлашади. Актёр маҳорати — андишанинг, хушомадгўйлик — ҳурмат-иззатнинг, лаганбардорлик — ширинсуханликнинг тўнини кияди. Ёши, амали, моли, илмидан қатъи назар, икки инсон бир-бирини «менинг тенгим» деб мулоқотга киришмас экан, бундай жамиятда самимият танқис неъмат бўлади. Самимият, ўзаро ишонч бўлмаган жойда эса одамлар музнинг устидагидек омонат яшайдилар. Бир-бирларига ишонмайдилар. Темир эшиклар кўпаяверади.

2002 йил 18 ноябрь соат 21 ларда Тошкент шаҳар Чилонзор 22-мавзесида жигар ранг тўн кийган 30 ёшлардаги бир ширакайф пистафуруш йигит шериги билан баҳслашиб, беш бармоғини осмонга қаратиб, кафтини кўрсатиб:

— Мана, — деди.

— Шериги: Нима? — деди.

У: «Беш бармоқ тенг эмас» — деди.

У ҳақ ва ноҳақ эди. Ҳақлиги — одамларнинг мулкда, илмда, фазилатларда, мансабда кам-ортиқ бўлишида. Ноҳақлиги — одамларнинг туғилган кундан бошлаб то вафот кунигача бошқалар билан тенглигида. Демократия — ана шу тенгликни назарда тутади, ана шу тенгликка таянади. Нақадар ҳалол, инсонпарвар, илоҳий, азалий тенглик бу!

Демократиянинг инсонпарвар тамойили чекинган жойда турмуш айнийди. Одам одамга (бирор ишни битириб олишда фойдаланса бўладиган (ёки фойдаси йўқ ) восита, буюм деб қарайди. Одам яратган нарсаларнинг қиммати одамдан ортиб кетади. Одам- арзон, буюм қимматлашиб, Инсон ўзи яратган нарсалар пул, бойлик ва ҳ.к.нинг қулига айланади. Ваҳоланки инсон — Аллоҳ учун, демак, инсон учун ҳам энг олий мақсад. Инсондан бошқа барча нарса — сув, пул, ҳаво, машина, ер шари — инсон учун яратилган воситадир.

2002 йил 14 ноябрда Ўзбекистон телевидениесидаги телемулоқотда ўкинчли фикр берилди. Унда бир ўзбек йигитининг бўлажак турмуш ўртоғини инсон сифатида севиши, иззатлаши ҳақида эмас, бир ёстиққа бош қўйган ёрини, унинг падари бузруквори — қайнотасини мансабга эришиш воситаси, устидан юриб кўтариладиган зинапоя деб қараши ҳақида.

Бир аёл тўйхонага келиб, бошқа бир аёлга кўнглини ёрибди:

— Айланай. Мен боламнинг топшириғини бажарай деб юрибман. Ўғлим катта бир институтда ўқийди. У: «Ойи, давлат арбоби, катта одамнинг қизини топинг. Мен унга уйлансам, дадаси мени катта ишларга жойлаштирсин. Квартира, машина олиб берсин, — деган», дебди. Телемулоқотда қатнашган бир ўзбек аёли ёзғириб, «Йигитларимиз ўз меҳнати билан эмас, бировни восита қилиб бахтга эришиш ниятини очиқ айтишдан уялмай қўйдилар» — деб нолиди.

Биз эса бу талаба йигитнинг маънавияти, ватанпарварлиги, фидойилиги қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида хулосани газетхонга қолдириб, бир фикрни таъкидламоқчимиз:

У — демократ эмас.

Унда нима десак бўлади буни?

Бу ўзбекларнинг маънавий меъёрларидан паст кетиш. Йўлдан озиш. Қиз — инсондан унинг сепи (буюмлари)ни азиз кўриш. Меҳнат, (бурч)дан тониб, ҳуқуқ талаб қилиш. Ҳеч нарса қилмай, ҳамма нарсага домангирлик. Текинхўрлик. Ақлли оталар уни куёв қилмайдилар. Чунки бундай оила қайнотанинг лавозими пасайган кундан бошлаб бузила бошлашини яхши биладилар.Қизларни меҳнаткаш, ақлли, ўзини ҳурмат қиладиган тиришқоқ йигитга берадилар.

## Ўзбек — демократ дегани

Бойликни истамайдиган одам йўқ. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида. Лекин бойликка эришиш уни йўқотиш йўллари ҳам ҳар хил экан-да. Кеча отасидан қолган катта мулк эгаси — бугун камбағал бўлиши, кечаги камбағал эса бир йилдан сўнг бойлар қаторига қўшилиши мумкин. Бунга мисолни бугун ҳар бир туман, маҳаллада кўраяпмиз. Бундан қарийб 2000 йил олдин араблар ўзларининг «Саҳро қўшиғи»да:

— «Ёмонлиги яхшилигидан олдинда турадиган бекорчи эмасман. Қуролсиз одамдан чўчиб, ирғиб турадиган қўрқоқ, ношуд ҳам эмасман.

— Баъзан муҳтожликда ҳам қоламан. Баъзан бойийман. Чунки бойликка узоқни кўра оладиган, тиришқоқ одам эришади,» — деб куйлашган экан.

Ҳа. Бозор иқтисодиётига ўтиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлатимиз иқтисодий стратегиясининг устувор йўналишларидан бири. Энди ҳамма гап ўзимизда. Ким бу ишга қодир бўлса, демак, бой бўлишга қодир.

Ўзбек дегани — аввало, озод одам, дегани. Ўз тилига, мулкига, ватанига, хатти-ҳаракатларига содиқ, айтган лафзига соҳиб, аҳдига, шартномасига вафодор дегани. Бировнинг фикрини эмас, ўз мустақил фикрини айтадиган одам дегани. Ўзи рози бўлиб зиммасига олган масъулияти, бурчига беклик қилиб, кунт билан пухта, эркин адо этувчи дегани.

Илгари халқимизда оғир-вазминлик, мўътадиллик, очиқлик, мардлик, жиддийлик, ҳимматлилик, совуққонлик, ўйлаб , тўғри гапириш, тўғри ҳаракат қилиш, давлат ҳимоясини бурч деб билиш каби фазилатлар етакчилик қилган экан. Бугун эса ана шу сифатлар бўлмаса демократик маданият тўкис бўлмайди. Ўзбек демократияси ўзбекнинг туб миллий характерига бориб боғланувчи илдизларига эга. Ўзбек деган номнинг пайдо бўлиши ҳам бежиз бўлмагандир?! Демак, миллатимиз ўз номига эга бўлиш арафасидаёқ унда демократизмнинг нодир фазилатлари бўлган. Этнонимимиз ҳам экзонимимиз ҳам бунга ҳужжат. Бизда фақат мустамлака йилларимизда мутелик, лоқайдлик кучайди. Ундан илгари барча миллатлар каби озод, эркин фикрли одамлар бўлганмиз. Демократик муроса маданияти ҳам бўлган бизда. Бир мисол: ривоятларга кўра, Мотурудий бобомиз шундай деган эканлар: «Шаҳарнинг бир четидан бошқа четига ўтишнинг икки йўли бор. Биринчиси — тўппа-тўғри чизиқдан, яъни одамларнинг уйлари, ҳовлилари, гулзору боғларини босиб ўтиб бориш; иккинчиси, яхшиси — муроса йўли. Ҳеч кимнинг мулкига, ҳуқуқига, тинчига озор бермай, кўчадан кўчага ўтиб, манзилга етиш йўли».

## Демократия — истеъмолчига фойда

Демократия ҳам, инсоннинг ҳуқуқий муносабатларига киришуви ҳам жамият ичида бир одам иккинчи одамга дуч келганида, манфаатлар учрашганида бошланади. Ҳеч қаерда «Фуқаролик жамиятига хуш келибсиз!» деб ёзилган дарвоза йўқ. Бундай яхши жамият, энг аввало, одамларнинг миясида «қурилади». Одамларга фуқаролик жамиятида яшаш маданияти билим, кўникмаларини ўргатиш орқали.

Республикамизда фуқаролик жамияти, турмуш демократиясига оид билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришга қаратилган янгидан-янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинаётганлиги одамни мамнун қилади. Шулардан бири — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрь Қарори бўлди. Қарорнинг номидан ҳам унинг биз тўлаган пулларимизга сифатли мол, ашё сотиб олишимизга кўмаклашувга қаратилганлиги кўриниб туради. Қарор ***«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»***. Мана демократияни, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг реал, ҳар бир одамга фойдали қадамлардан яна бири. Иқтисод, демократия, шахс (истеъмолчи) ва ишлаб чиқарувчиларнинг бирлашувига ҳуқуқий замин. Унда Ўзбекистонда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракати қизғин қўллаб-қувватланган. Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳузурида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги Низом тасдиқланди. 2003-2004 йил ўқув йилидан бошлаб барча таълим муассасаларида ёшларга истеъмолчи ҳуқуқлари махсус ўргатила бошланади. Қарорда аҳолининг истеъмол маданиятини оширишга доир маърифий ишларни олиб бориш ҳам асосий вазифалардан бири деб белгиланди.

Ўзбекистоннинг ҳар бир оиласи ҳар куни бир ишни қилади, — нон сотиб олади. Хўш бунинг демократияга нима алоқаси бор, дерсиз. Бор. Сиз сотувчининг айтган пулини тўлиқ тўлаб, истеъмолчилик бурчингизни тўла бажардингиз. Энди шу лаҳзадан бошлаб сизнинг ҳуқуқларингиз, сотувчининг эса бурчлари ишга тушади. Сиз пулини тўлиқ тўлаган нонингизнинг сифати ҳам тўлиқми? Чунки ҳар бир тадбиркор фойдани 10 фоиздан 20 фоизга, 20 фоиздан 50 фоизга, оширишини истайди. Баъзилари ноқонуний йўл билан. «Нонингиз нега капалакдек енгил? Намлиги, вазни қанча, сифати қандай бўлиши керак? Нега буларни ёзиб қўймадингиз» деб бирор марта сураб, текшириб кўрганмисиз? Бошқа миллатларда буни сўраб, текшириб турадилар. Новвой, ошпаз ўз маҳсулотининг таннархини арзон қилиб, нархини кўтариб кўпроқ фойда олиш, нафс йўлида менга, харидорларга, демак, ватандошларига жабр қилмаяптими, деган ўзаро назоратни оддий ҳол деб билишади. Ўзбек-чи?! Ўзбек буни сўрамайди. Унга хизмат кўрсатиши керак бўлган ноқобил дўкондор, ошпаз, новвойдан, уларнинг дағдағасидан ҳайиқади. Дадилланиб, ҳаққини талаб қилиб, дўкондорнинг «Шунчалик пастмисиз», деган нафратли пичингидан дили оғришини истамайди. Иродаси етмай, «Э-э» деб бурилиб кетади. Новвой, қассоб, ошпаз, дўкондорни орқасидан... ёмонлайди, нолийди. Ноқобил қассобу, новвойга эса худди шу - бизнинг андишамиз керак. Бундан новвой, дўкондор, қассоб қўшимча 10 эмас, 40 фоиз даромад қилади. Ўзбек эса 100 сўм тўлаб, 70 сўмлик, сифатсиз нонни қўлига, норозилигини кўнглига олиб кетаверади. («Чархпалак» видеоновелласидаги Марям қиз бунга йўл қўймаган бўларди). Республикамизда истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилот хайрли ишлар қилмоқда. Телевидениеда, метрода, транспорт, панноларда уларнинг харидор, мижозларга қаратилган демократик даъватлари таҳсинларга сазовор. Келинига сотилган сифатсиз кўйлак пулини ундириб берган қайнонани эсланг. Бу эса аста-секин фақат қайноналарга эмас, ерга қараб, уялиб юрган келинларга ҳам ҳуқуқдан, турмуш демократиясидан дарс бўлмоқда.

Лекин нега халқимиз ўзининг нонини туя қилаётган худди ўзидек одамга «Тўхтанг» дея олмаяпти? Ҳуқуқини билади-ю, қўллашга ирода, ҳафсаласи йўқ. «Текширмаяпти» деб давлатдан, «Ноинсоф» деб новвой, сотувчи, қассобдан нолийди. Мана сизга топтоза эскича фикрлаш сабаби. Унинг анатомияси, морфологияси. Жамоатчиликнинг назоратчилик ролини оширишга қаратилган даъватларни англамаслик. Уч киши нон сифатини яхши бўлишини маҳкам талаб қилса, 3000 киши ҳар куни сифатли нон ейди. Бунинг савоби ҳам бор-ку. Одамларда шўролар тоталитаризми қолдирган ўз ҳуқуқларидан фойдаланишдан қўрқувни ҳайдашимиз керак. Бунинг учун ҳар бир новвойхона, ошхона, савдо, хизмат кўрсатиш шоҳобчасига киришда самимий қилиб: ***«Муҳтарам Ватандош? Қилган харидингиз, кўрсатилган хизмат учун берадиган пулни топиш сизга осон бўлмаган. Илтимос, олган нарсангиз, кўрсатилган хизмат сифатини текшириб кўринг. Сизнинг ҳар бир эътирозингизни жон дилимиз билан кутамиз.***

**«Ҳурмат билан: дўкон раҳбари»** деб ёзиб қўйиш керак, рангли, катта ҳарфлар билан.

Бундай таклифга айрим дўконлар, бензинфуруш, қассоб, сифатсиз хизмат кўрсатувчилар қўшилмаслар. Лекин шундай қилмасак бўлмайди. «Пул — жигардан пайдо бўлади», дейишади. Зора жигардан чиққан нарсани ўзининг ватандоши ноҳақ юлиб олаётгандаги оғриқ ўзбекни гапиртирса... Ҳар ҳолда бу халқимизда демократик тафаккурни самимий ҳаётий вазиятлардан фойдаланиб уйғотиш йўлини очса ажаб эмас.

Бу таклифимиз «Ўзбек товар ишлаб чиқарувчилари хафа бўлмайдими?» деган ҳадикни уйғотиши мумкин. Йўқ. Аксинча. Бу — товар ишлаб чиқарувчиларга ёрдам беради. Улар орасида рақобатни ҳам кучайтиради. Улар ўз устида ишлаб, аста-секин ватандошларига жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатишга, маҳсулот ишлаб чиқишга, экспортёр даражасига эришадилар.

Бу давлатимизнинг четдан сифатсиз маҳсулотларга тўсиқ қўйишдек хайрли ҳимоясини ичкарида ҳам қўллаб-қувватлайди. Сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишидан ҳимоя қилади. Демократия одамларнинг ҳуқуқий фаоллигини ишлатиш орқали.

Шу тариқа маънавият, миллий ғоя Ўзбекистонни қўли пок, нияти пок миллатпарвар мулкдорлар мамлакатига айлантиради. Бунинг учун ўзбек характерига замонавий демократик маданият фазилатини сингдиришдек заруриятни комплекс асосга қуриш лозимга ўхшайди. Бу диёримизда демократиянинг музаффар байроғи янада юксалишига ёрдам беради.

Ана шунда Президентимиз айтганларидек, демократия — фақат назарий ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятларига айланади.

**Муҳаммад ҚУРОНОВ,**
**республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи, педагогика фанлари доктори.**

## Машарип ҚУВОҚОВ



Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳаси оғир жудоликка учради. Бешафқат ўлим Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ депутатлари Хоразм вилояти ва Боғот тумани Кенгашлари депутати, "Боғот" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Машарип Кувоқовни 64 ёшида орамиздан олиб кетди.

Машарип Кувоқов 1938 йили Хоразм вилояти Боғот тумани Бешариқ қишлоғида туғилди. Тошкент Халқ хўжалиги институтини тугатгач, кўп йиллар мобайнида қатор давлат ташкилотлари ва хўжаликларга раҳбарлик қилди. 1991 йилдан умрининг охирига қадар Боғот туманидаги "Боғот" ширкат хўжалигини бошқариб келди.

Машарип Кувоқов ўзининг бутун куч-ғайрати, билими ва бой амалий тажрибасини мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишлади. Айниқса, юртимизда пахтачилик, ғаллачилик ва шоликорликни юксалтиришда, бу борадаги назарий билимларни ҳаётга жорий этиш ва амалиёт билан узвий боғлашда унинг хизматлари беқиёсдир. Шу билан бирга, янги-янги боғ-роғлар ва токзорлар барпо этиш, ҳосилдорликни ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича олиб борган кенг кўламли фаолияти, қўлга киритган улкан ютуқлари туфайли Машарип Кувоқовнинг номи бутун мамлакатимизда танилди.

Қишлоқ хўжалик илмининг етук билимдони Машарип Кувоқовнинг бевосита раҳбарлигида кўплаб ёш пахтакор ва шоликорлар деҳқончилик сир-асрорларини пухта ўзлаштирдилар.

У ўзининг камтаринлиги, меҳнатсеварлиги, юртпарварлиги билан халқимизнинг меҳр-муҳаббати ва ҳурмат-эътиборини қозонган олижаноб инсон эди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Машарип Кувоқов 1993 йили "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" фахрий унвонига сазовор бўлган, 1997 йилда эса Ватанимизнинг юксак мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони олий унвони билан тақдирланган эди.

Заҳматкаш деҳқон, моҳир ташкилотчи раҳбар, қишлоқ хўжалиги соҳасининг чинакам фидойиси Машарип Кувоқовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, И. ЖЎРАБЕКОВ, Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ, Н. ЮСУПОВ, И. БОБОЖОНОВ, Й. ҲОЖИЕВ, Ш. ЮСУПОВ.**

Тақдимот

## Янги рисола

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафиййа мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари» номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тошкент Ислом университети раҳнамолигида нашр этилган мазкур асар юридик фанлари номзоди Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний қаламига мансубдир. Тақдимот маросимига йиғилганлар янги китобни юқори баҳолаб, унинг нафақат соҳа вакиллари, балки кенг жамоатчилик учун ҳам нечоғли фойдали эканлиги ҳақида фикр билдиришди.

Абулҳаким Шаръий Жўзжонийнинг ушбу рисоласи ўқувчиларга ҳанафиййа мазҳаби, унинг асосчиси — Абу Ҳанифа, у кишининг шогирдлари, фиқҳ илми ва Ўрта осиёлик биз билмаган, ўз даврида машҳур бўлган фақиҳлар, уларнинг илмий меросларри ҳақида маълумотлар беради.

Уч қисмдан иборат ушбу китоб ҳанафиййа мазҳабининг илк тарихи, унинг бошқа мазҳаблардан фарқи, афзалликлари ҳақида маълумотларга бойлиги, диний ва дунёвий билимларни ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам қимматли ва қадрлидир.

Тақдимот маросимида Тошкент Давлат шарқшунослик институти жамоаси ходимлари, филология фанлари доктори Нажмиддин Комилов, юридик фанлари доктори Омина Каримова, Халқаро Имом Бухорий жамғармаси раиси Зоҳидилло Мунавваров ва бошқалар сўзга чиқиб, муаллифнинг ижодий меҳнатини юқори баҳолаб, келгусида амалга оширилиши мумкин бўлган баъзи бир таклифларни ҳам билдирдилар.

**Баҳодир ФАЙЗИЕВ.**

Қайта ишлаш корхоналарида



## «Тола»да иш қизғин

Ҳар йили республикамизда тонна-тонналаб пилла етиштирилади. Бу хомашё зоа корхоналарда қайта ишланиб, ундан сифатли ипак толаси олинади. Тошкентдаги «Тола» ҳиссадорлик жамияти жамоаси ҳам айни шу юмуш билан шуғулланади. Бу ерда «Дўстлик» ордени нишондори Ақида Хўжахонова, Зарифа Алматова ва Лобар Умарова сингари фидойилар ишлашади.

— Мен, — дейди Лобар Умарова, — мазкур корхонада уч йилдан буён меҳнат қилаяпман. Жамоамиз жуда аҳил. Айниқса, устозларим Ақида ва Зарифа опаларимдан беҳад миннатдорман. Чунки улардан пиллани саралаш сир-синоатини ўрганиб, мустақил иш юритишга эришдим.

СУРАТДА: ***ёш ишчи Лобар Умарова.***

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

***Президентимизнинг «Ўзбекистон халқига Янги йил табриги»да таъкидланганидек, кейинги йилларда ҳаётимизни юксалтириш, одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш йўлида, очиқ айтиш керакки, бугун барчамиз бошимиздан кечираётган рўзғор тебратишдаги иқтисодий қийинчилик ва етишмовчиликларни бартараф этиш учун олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасини ошириш борасида кўпгина ишлар қилинмоқда. Жумладан, ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш, уларда рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш, ички бозоримизни ўзимизнинг сифатли молларимиз билан тўлдириш йўлида қўлга киритилган ютуқлар бунинг тасдиғидир.***

***Бироқ, тан олиш керак, ҳали бу йўналишда бажарилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида мавжуд муаммоларни тезроқ бартараф этиш чораларини кўрмоғимиз зарур. Ишлаб чиқариш корхоналари ва савдо ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмининг янада такомиллаштирилишини, савдо маданиятининг оширилишини, истеъмолчилар манфаатининг ҳимояланишини ҳам ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Шуларга эришган тақдиримиздагина халқимизнинг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилади, ҳаётимизни фаровонликда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтаришда янги-янги марралар эгалланади.***

***Ушбу саҳифада шу ҳақда ҳикоя қиламиз.***



# ДОН, НОН, ВИЖДОН

## ёхуд «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси корхоналаридаги ноқонуний ишлар хусусида

Халқимиз нонни табаррук, энг азиз неъмат сифатида эъзозлайди. Уни асраб-авайлаб, исрофгарчиликка йўл қўймайди. Агар бирор жойда ушоғини кўрса, дарҳол одам қадами етмайдиган ерга олиб қўяди. «Ноннинг ушоғи ҳам нон», «Нондек азиз бўлинг» деган мақолларнинг бежиз айтилмаганини шундан ҳам билса бўлади. Бу халқимизнинг ҳаёт манбаи, деб аталган неъматга бўлган ҳурмати белгисидир.

Албатта, нон тайёрлаш, уни аҳолига етказиб бериш жуда мураккаб иш. Бу буғдойдан тайёр нон ишлаб чиқаришгача бўлган бир неча жараёнлардан иборат. Ушбу вазифа жуда масъулиятли, айни пайтда хайрли ва савобли бўлиб, уни республикамизда «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси уддалаб келмоқда. Тан олиб айтиш керак, ҳукуматимизнинг бевосита ғамхўрлиги ҳамда корпорация жамоасининг саъй-ҳаракати туфайли халқимизга нон ва нон маҳсулотлари етказиб беришда ҳозиргача бирор-бир узилиш бўлгани йўқ.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: корпорацияда арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, маҳсулот турларини кўпайтириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Умуман, соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самараси қандай бўляпти? Кези келганда, шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ тизимга хориж инвестицияси жалб қилиниб, жаҳон талабларига жавоб берадиган даражада маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилди. Аҳоли дастурхони турли хил сифатли, мазали нон ва нон маҳсулотлари билан бойиди.

Лекин, афсуски, кейинги йилларда корпорациянинг баъзи корхоналарида тартиб-интизом бўшашди. Раҳбар кадрларни танлашда жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. Натижада уларнинг уқувсизлиги, билим даражаси пастлиги, бозор иқтисодиёти талабларини яхши билмаслиги сабабли харажатларнинг ўсиши рўй берди. Яъни, электр қуввати, газ ва сувдан фойдаланишда белгиланган меъёрларнинг бузилиши, имкониятлардан самарали фойдаланилмаслиги, баъзи ҳолларда халқ мулкига хиёнат қилинганлиги, зарур бўлмаса-да, ҳомийлик ва хайрия ёрдами кўрсатилганлиги, маъмурий- бошқарув идораларида қўшимча штатларнинг жорий қилиниши боис шундай аҳвол юзага келди. Бу пировардида ун, нон ва нон маҳсулотлари таннархининг асоссиз равишда ошишига олиб келди.

Узоққа бормасдан, корпорациянинг 2001-2002 йиллардаги фаолиятини таҳлил қилиб кўрайлик. Транспорт, газ, сув ва электр қуввати нархининг кўтарилиши баҳонасида ун ишлаб чиқариш корхоналарида харажатлар ўртача 60,9 фоиз, дон қабул қилиш корхоналарида 42,3 фоиз ошган. Жумладан, бир тонна биринчи навли ун тайёрлашга сарфланган харажатларнинг ўсиши 34,8 фоизни ташкил этган. Транспорт харажатларининг ошишига эса айрим автокорхоналар томонидан ташиб келтирилган ғалла миқдорига ҳақиқий сарфланган маблағга қараб эмас, балки олдиндан калькуляцияда белгиланган баҳода ҳақ тўланганлиги сабаб бўлган. Масалан, «Навоийдонмаҳсулотлари» уюшмасининг бош корхонасида мазкур хизмат учун 2000 йили 30,7 миллион сўм, 2001 йили 49 миллион сўм, 2002 йили эса 89,7 миллион сўм ортиқча харажат қилинган.

Корпорация тизимидаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш юзасидан тузилган махсус комиссиянинг хулосасига кўра, харажатлар ошиб боришининг яна бир сабаби бор: у ҳам бўлса, қопсиз ун ташиш йўлга қўйилмаганлиги натижасида қопни сотиб олишга катта маблағ тўланаётганлиги, корхоналар қувватларидан паст даражада фойдаланилаётганлиги, маҳсулот сақлаш ва амортизация харажатларининг кўплиги, тўланаётган меҳнат ҳақининг ишлаб чиқариш ўсишига нисбатан юқорилигидир.

Рақамларга эътибор беринг. Корпорация томонидан 2000 йилда бир тонна ун ишлаб чиқариш учун 125 киловатт-соат миқдорида электр қуввати сарфлаш меъёри белгиланган бўлишига қарамай, «Бухородонмаҳсулотлари», «Навоийдонмаҳсулотлари» уюшмаларининг бош корхоналари, «Бухоронон» акциядорлик жамиятида нафақат электр қуввати, балки газ ва сувдан фойдаланишда ҳам ортиқча харажатларга йўл қўйилган. Наманган вилоятининг еттита нон корхонасида эса ун махсус транспорт воситаларида эмас, балки қопларда олиб келиниши натижасида маҳсулот таннархи ошиб кетган.

Баъзи корхоналарда, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларидан етарли даражада фойдаланилмаётгани ҳам ачинарлидир. Хусусан, «Гулистоннон» жамияти, «Жиззахдонмаҳсулотлари» уюшмасининг бош корхонаси, «Дўстликдонмаҳсулотлари», «Жиззах ун заводи» корхоналарида бу кўрсаткич 24-40 фоиз, «Навоийдонмаҳсулотлари» уюшмаси бош корхонасида 4,3 фоиз, «Учқўрғоннон» ҳиссадорлик жамиятида 11,2 фоизни ташкил қилган. «Жиззахдонмаҳсулотлари» уюшмаси бош корхонасида бир неча йил илгари хориждан катта миқдордаги валюта эвазига келтирилган 31 миллион сўмлик ускуна ҳозиргача ўрнатилмаган, лекин унга икки баравар мулк солиғи тўланмоқда. «Зарбдор элеватори» корхонаси бош ҳисобчисининг уқувсизлиги туфайли 2000 йилда 32814 минг сўм, 2001-2002 йилларда эса 85428 минг сўм миқдоридаги харажат маҳсулот таннархига киритиб юборилганига нима дейсиз?

Айрим вилоятларнинг дон тайёрлаш корхона ва шохобчаларида эса давлат ресурсларига қабул қилинган ғаллани ўғирлаш, талон-торож қилиш ҳоллари рўй бергани билан ҳам муроса қилиб бўлмайди. Бу ишнинг жиноятлигини била туриб, унга қўл урганларнинг кўпчилиги раҳбарлар эканлиги, айниқса, ташвишлидир. Мисол учун, жорий йил ҳосилидан Сирдарё вилоятидаги «Ғаллакор» шохобчасида 1759 тонна, «Бобур» шохобчасида 658 тонна, «Андижон» шохобчасида 1862 тонна, умуман, вилоят бўйича 8854 тонна қабул қилинган ғалла дон чиқиндиси сифатида расмийлаштирилган. Унинг 7443 тоннаси эса фирма ва тизимга алоқаси бўлмаган ташкилотларга олдиндан тўловларсиз бериб юборилган. «Деҳқонобод» шохобчасида 1659 тонна ғалла хўжаликларга тарқатилди, деб сохта ҳужжат тузилиб, йўл қўйилган камомадни ёпишга ғайриқонуний равишда ҳаракат қилинган.

Бундай жиноий ҳаракатлар Жиззах вилоятида ҳам содир бўлган. «Зарбдор элеватори» жамиятида 1830 тонна, «Зомин» корхонасида 1343,1 тонна, «Мирзачўл»да 999 тонна, «Арнасой» да 1298 тонна дон олдиндан тўловларсиз фирма, ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари ва ишчи-хизматчиларга бериб юборилган. «Зафаробод» шохобчасида 468 тонна, «Пахтакор»да икки минг тонна буғдой камомадига йўл қўйилган , яъни қўшиб ёзилган.

Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Албатта, хато ёки жиноят қилган киши жазосини олади. Лекин гап бунда эмас. Масаланинг кечириб бўлмас жиҳати бошқа томонда. Яъни турли хил хатоликлар ва жиноий ҳолатларда юзага келган камомадлар ноннинг таннархига киритиб юборилган. Бу эса нон ва нон маҳсулотлари нархининг кейинги йилларда аста-секинлик билан бўлса-да, ошишига олиб келган. Мазкур ҳолат, табиийки, аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаяпти. Ахир, «Жиззахдонмаҳсулотлари» уюшмасида 2000 йилда турар жой коттежи қурилиши учун сарфланган 6553 минг сўм, ётоқхонани жиҳозлаш учун ишлатилган 5733,1 минг сўм маблағ ҳам маҳсулот таннархига қўшилганини қандай қилиб оқлаш мумкин?

Хайрия, эҳсон қилиш, ҳомийлик ёрдами кўрсатиш халқимизнинг азалий урф-одатларидан ҳисобланади. Бу борада бир ажойиб мақол ҳам бор: «Бир қўлинг қилган ишни иккинчи қўлинг билмасин». Бунинг маъноси шуки, савоб иш бировнинг ҳисобидан эмас, балки соф фойда ҳисобидан амалга оширилиши керак. Лекин корпорация тизимида бунга зид иш қилинмоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик. «Гулистондон», «Жиззахдонмаҳсулотлари», «Тошкент шаҳар дон қабул қилиш корхонаси», «Оҳангаронлон» ҳиссадорлик жамиятларида турли хил жамғарма, футбол, бокс, теннис федерациялари, туман ҳокимликларига катта миқдорда ҳомийлик қилиниб, хайрия маблағлари ажратилган-у, ҳаммаси маҳсулот таннархига киритиб юборилган. Буни қандай изоҳлашга ҳам ҳайрон қоласан, киши.

Корпорациянинг баъзи корхоналарида қонунсизлик шу даражага бориб етганки, уни изоҳлашнинг ўзи мушкул. Айтайлик, «Самарқанддонмаҳсулотлари» уюшмасининг еттита корхонасида 42 минг тонна буғдой ва арпа давлат ресурсларига қабул қилинган ғалла билан бирга сақланмоқда. Уни қабул қилиш, сақлаш ишларига сарфланган маблағ эса давлат ресурслари заҳирасига олинган дон ҳисобидан амалга оширилгани жиноят эмасми?

Тизимда бундай қонунбузарликлар юз берганлигининг асосий сабабларидан бири, бизнингча, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда қўпол хато ҳамда камчиликларга йўл қўйилаётганлигидир. Гап шундаки, айнан корпорация бошқаруви томонидан тайинланган раҳбарлар қисқа муддат ичида жиддий камчиликлар содир этиб, кўпчилиги жиноятга қўл урган. Устига устак, ўтган йилнинг ўзида биргина Жиззах вилоятида 66,6 фоиз, Сирдарё вилоятида эса 60 фоиз кадрлар алмаштирилган.

Нон – муқаддас неъмат. У ҳалолликни, покликни ёқтиради. Қолаверса, ноннинг хомашёси – буғдой деҳқоннинг пешона тери эвазига етиштирилади. Буғдойни қайта ишловчилар, нон ва нон маҳсулотларини тайёрловчилар ҳам буни қалбдан ҳис этишлари, деҳқон меҳнатининг қадрига етишлари, виждонан ишлашлари лозим. Бошқача айтганда, нонни донсиз тасаввур этиб бўлмаганидек, новвойда виждон бўлмаса, ноннинг баракаси кўтарилади.

Ҳозир тизимда мамлакатимиз Президентининг 2002 йил 13 сентябрдаги Фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 4 декабрдаги «Дон тайёрлаш ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимида харажатларни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича тузилган махсус комиссия иш олиб бормоқда. Албатта, айбдорлар қилмишига яраша жазосини олади. Зеро, халқнинг насибасига хиёнат қилган, унинг ризқига шерик бўлишни истаганларнинг косаси ҳеч қачон оқармайди. Буни ҳеч ким унутмаслиги лозим. Айниқса, бу ишда бевосита иштирок этаётганлар, яъни хирмонда меҳнат қилаётган оддий ишчидан тортиб, соҳадаги энг нуфузли раҳбарларгача уни ёдидан чиқармаслиги керак.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Неъмати барчага манзур

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Зилола» маҳалласида «Бек-нон» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси иш бошлади. Айни кунларда корхонада 68 ишчи меҳнат қилмоқда.

Бу ерда бир кеча-кундузда 10 тоннадан зиёд нон маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Корхона маҳсулотлари ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи 2 минг 500 нафар аҳолига ўз вақтида етказиб берилмоқда. Айниқса, тешиккулча, оширма патир ва шифобахш хусусиятга эга бўлган парҳез нон барчага манзур бўлмоқда.

Шунингдек, «Бек-нон» қўшма корхонасида 15 хил гўшт ва гўшт маҳсулотлари ва саккиз турдаги қандолат тайёрланяпти. Корхона қошида эса «Мини-маркет» дўкони ишлаб турибди.

**СУРАТЛАРДА:** ***«Мини-маркет» дўкони биносининг ташқи кўриниши; «Бек-нон» қўшма корхонасида иш жараёни.***

**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Истеъмолчи ҳуқуқи – дахлсиз

*Тасаввур қилинг: дўкон ёки бозордан бирор-бир маҳсулотни сотиб олдингиз. Нархи рисоладагидек, ёрлиғи ҳам жойида. Кейин билсангизки, сизни чув туширишибди. Фалон сўмга харид қилинган ўша мол ёки маҳсулотнинг сифатсизлиги, истеъмол муддати ўтганлигини сезгач, қандай ҳолга тушишингиз ўзи-ўзидан маълум.Ўтдек куйиб қолишдан ёмони йўқ-да, ахир. Бундай вазиятда даставвал кимга, қаерга мурожаат қилиш керак? Умуман, турли мулкчилик шаклларига асосланган бозор шароитида истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш юзасидан жойларда, дейлик, Бухоро вилоятида қандай ишлар амалга ошириляпти?*

– Ўзингиздан қолар гап йўқ, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш ҳозирги кундаги муҳим масалалардан биридир, – дейди Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ҳ. Шарипов. – Бу, шубҳасиз, ҳар биримиздан алоҳида масъулият ва фаолликни талаб қилади. Зеро, замонавий савдо маданияти истеъмол бозорларида соғлом рақобатни шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, товар (иш, хизмат)ларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ. Қарс икки қўлдан, дейишади. Биз ўзимиз учун фаолият йўналишини белгилар эканмиз, энг аввало, мамлакатимизда қабул қилинган тегишли қонун ва қонуности ҳужжатларига таянамиз.

**– Хабарингиз бор, 2002 йил 28 ноябрда Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжат моҳияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз...**

– Албатта, ҳар бир меъёрий ҳужжат ҳаёт тақозоси билан юзага келади. Инсон ва келажак манфаатларига йўналтирилган юқоридаги қарор ҳам бундан мустасно эмас. Унга кўра, истеъмолчиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари қўпол равишда бузилган ҳолларда, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига (аввалдан огоҳлантирмасдан) хўжалик юритувчи субъектларни жаримага тортиш учун рухсат этиладиган бўлди. Бундай қонунбузарликлар сирасига истеъмолчига товар (ишлар, хизматлар) қиймати кўрсатилмаган, товарнинг харид қилинганлигини тасдиқловчи касса, товар чеклари ва бошқа ҳужжатларсиз савдо қилиш, яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки яроқлилик муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиш, сотиш ва ҳоказолар киради.

Кўриниб турибдики, талаб қаттиқ. Эндиликда ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат, уй-жой-коммунал, транспорт корхоналари олдида икки йўл бор: ё истеъмолчига кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш ёки миллионлаб сўм жарима тўлаш. Қайси бири маъқул? Албатта, мўмай даромаддан айрилиб қолиш ҳеч кимга ёқмайди. Аммо қарор – қарор-да. Истеъмолчи ҳуқуқларига путур етказилган биринчи ҳолатда айбдорларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари (453,5 минг сўм), иккинчи ҳолатда энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари (2267,5 минг сўм) миқдорида жарима солинади. Бу эса банкротлик чегараси, демакдир.

**– Йил якунланди. Бу ёғи – сарҳисоб. Юқорида тилга олинган қарор талабларидан келиб чиқиладиган бўлса, ўтган йил мобайнида бажарилган ишлардан шахсан ўзингиз қаноат ҳосил қиласизми?**

### Қарор ва ижро

– Очиғини айтганда, йўқ. Истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш борасида лозим даражада фаоллик кўрсата олдик, деб айтолмайман. Ҳозирга қадар вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги 277 та маҳалла, 57 та уй-жой мулкдорлари ширкати, 33 та бозор, 5 та олий ўқув юрти, аэропорт ва темир йўл шоҳбекатларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг таянч гуруҳлари ташкил этилди. 8 та туманда эса истеъмолчилар манфаати ва ҳақ-ҳуқуқларини ишончли тарзда ҳимоялаш учун қўшимча имкониятга эга бўлдик.

Сир эмас, бугунги кунда дўкон ва бозорларимизда турли хилдаги маҳсулотлар сероб. Бироқ уларнинг қанчаси истеъмолга яроқли-ю, қанчаси яроқсиз – буни айтиш қийин. Жойларда савдо маданиятини ошириш, турли қонунбузарликларга чек қўйиш учун ҳуқуқ-тартибот идоралари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Мувофиқлаштириш Кенгаши розилиги билан ўтказилган рейд ва текширишлар мобайнида истеъмолга яроқсиз маҳсулотларни сотиш, уларнинг кафолат муддатини кўрсатмаслик, ностандарт тоштарозилардан фойдаланиш, шартнома шартларига риоя қилмаслик, савдо устамаларини асоссиз равишда юқори даражада қўллаш каби бирталай нуқсонлар аниқланди. Бунинг оқибатида истеъмолчиларга жами 1569,5 минг сўм миқдорида моддий зиён етказилган.

Яна бир гап. Дори-дармон воситалари билан савдо қилишда амалдаги тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя қилинмаётир. Баъзи дорихоналарда 20 хилдаги зарурий дори-дармонлар мавжуд эмас. Давлат реестрига киритилмаган, лаборатория таҳлилидан ўтказилмаган дори воситалари билан савдо қилиш ҳолларига йўл қўйилаётир. Бу хусусдаги текшириш ҳужжатлари чора кўриш учун мутасадди идораларга юборилди. Шаҳар санэпидстанцияси ходимлари билан биргаликда ўтказилган текшириш мобайнида бешта ҳолатда ош тузи намунасида йод моддаси йўқлиги аниқланиб, 2115 килограмм маҳсулот савдодан олиб қўйилди.

Ҳар бир хат ортида инсон, унинг тақдири туриши ўз-ўзидан маълум. «Хатга эътибор – элга эътибор», деган гап бекорга айтилмаган. Ўтган ойлар мобайнида истеъмолчилардан 17 та хат, ариза, шикоят тушди. Улар савдо, умумий овқатланиш, коммунал хизмат, уй-жой ва ҳоказо масалаларга бағишланган. Ташкилотимизнинг аралашуви туфайли аҳоли фойдасига айбдорлардан 39,0 минг сўм маблағ ундирилди, тушган ариза ва шикоятлар бўйича фуқароларга 34,5 минг сўмлик товарлар алмаштириб берилди. Масалан, Бухоро шаҳридаги Т. Фароғий кўчаси, 3-уй, 3-хонадонда яшовчи М. Галиеванинг ёзишича, у «Олтин диёр» овоз ёзиш студиясидан саккизта кассетани 9600 сўмга олган. Фойдаланиш даврида уларнинг сифатсизлиги аниқланган бўлса-да, студия раҳбарияти шикоятчининг арзини эътиборсиз қолдирган. Масала ходимларимиз томонидан жойида ўрганиб чиқилгач, етказилган моддий зарар истеъмолчига тўлиқ қайтарилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Истеъмолчи ҳуқуқи ва манфаати – дахлсиз. Амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари бунинг ишончли кафолатидир. Бозор ўзаро рақобат негизида ривожланади. Рақобат эса ҳалол, соғлом бўлиши керак. Ҳалолликдан ҳеч ким, ҳеч қачон зиён кўрмаган. Зеро, чин маънодаги ижодий меҳнат ва изланиш бўлган жойдагина ислоҳотлар жадаллашиб, тараққиёт уфқлари юз очаверади.

**Носир ТОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Бировнинг ҳақи – ҳиндолнинг ўқи»

**Ривоят.** Қадимда бир бадавлат қўрғон беги бўлган экан. У ўзига яраша улкан мол-дунё ва сон-саноқсиз чорвага эга бўлса-да, бундан ҳечам қониқиш ҳосил қилмас ва ўз бойликларини тинимсиз кўпайтириш истагида яшаркан. Бу истак уни борган сайин ҳеч нимадан қайтмайдиган, ўзгалар манфаатини эса сариқ чақага илмайдиган қилиб қўйибди.

Кунлардан бир кун унинг миясига ажойиб фикр келибди. Қўрғон аҳлига сотиладиган сутга тенг миқдорда сув қўшиб сотилса, кунига фалон миқдорда даромад келишини ўзича хомчўт қилибди. Хизматкорларини чорлаб, сутга сув қўшиб сотишни тайинлабди.

Сутнинг мазаси кун сайин ўзгариб бораётганидан халқ ғазабланса-да, чурқ этадиган мард топилмабди. Бойнинг ғазнаси эса бойигандан бойий бошлабди. Вақти келиб, у хизматкорларига қорамолларни дарё бўйидаги серўт жойларга ҳайдашни буюрибди. Шу куни, аксига олиб, осмонни чунонам қора булут қоплабди. Тинимсиз ёққан жала селга айланиб, чорвани кўз очиб-юмгунча турли томонга оқизиб кетибди. Бутун мол-мулкидан айрилиб, афтодаҳол ҳолатга тушган бой «Эй, Оллоҳим, мени не гуноҳларим учун бунчалик хароб айладинг?» дея нола қила бошлабди. Шунда бир нидо эшитилибди: «Йиллар давомида сутга қўштирган сувинг йиғилиб-йиғилиб селга айланди. Алалоқибат, ўз бошингга кулфат бўлиб ёғилди».

Қиссадан ҳисса шуки, азал-азалдан ҳалолликка нопокликни аралаштириш, тарози ҳақидан уриб қолиш, харидор ҳақига хиёнат қилиш энг катта гуноҳ ҳисобланган. Таассуфки, бугунги кунда ҳам айрим ҳамюртларимизнинг бундай қусурлардан ҳамон холи бўла олмаётганлиги кишини ташвишлантиради. Яқинда биз Тошкент вилоятидаги нон корхоналари бўйича ўтказган рейдимиз давомида бунга яна бир карра амин бўлдик.

Янгийўл шаҳридаги «Янгийўлнон» корхонасида бўлганимизда, жамоанинг кунига 3-4 соатдан ортиқ ишламаслиги маълум бўлди. Бу ерда раҳбарларни фақат пешингача топиш мумкин экан. Кечикибмиз. Ноилож шаҳар дўконларини кўздан кечирдик. «Умид-3» хусусий фирмасига қарашли дўкон расталаридаги нонларни кўриб, рости, ҳайратимиз ошди. Негаки, нон маҳсулотлари бежирим целлофан халтачаларга қадоқланган бўлиб, бир қарашдаёқ кишининг эътиборини жалб этарди. Унинг қаерда ишлаб чиқарилганлигини сўраганимизда, сотувчи Санобар Абдуллаева бу маҳсулотлар Тошкентдаги «Сайрекс» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонасидан келтирилганлигини айтди.

– Нега Янгийўлда тайёрланган нонларни сотмаяпсизлар? – сўраймиз сотувчидан.

– Сотса бўлади, аммо уларга талаб йўқ.

– Нима учун?

– Чунки «Янгийўлнон»нинг нонини есангиз, тишингиз ғичирлайдими-ей. Боз устига, тез ачиб қолади, кўриниши ва сифати ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Хусусий тадбиркор Мурод Абдуллаевнинг дўконида ҳам Тошкентдан келтирилган нонлар сотилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

– Тўғри, авваллари «Янгийўлнон» корхонасининг маҳсулотларини сотардик, – дейди Мурод ака. – Аммо сўнгги пайтларда уларнинг сифати жудаям бузилиб кетди. Оқибатда харидорлар харид қилмай қўйишди. Бўлмаса, бизга ноннинг қаерда ишлаб чиқарилишининг фарқи йўқ. Муҳими,

### Журналист суриштируви

у сифатли ва ўз харидорига эга бўлсин.

Шаҳар автошоҳбекати ёнидаги «Мурувват» хусусий фирмаси дўконида раста устида тахланган нонларни кўриб, мижозлар бежизга нолимаётганига ишондик.

– Кўринишига бир қаранг, – дейди сотувчи Марина Ортиқова куйиниб. – Қандай виждон билан сифатсиз нон ишлаб чиқаришаркин-а? Қўлингиз тегар-тегмай, увоқланиб кетади. Ҳар бир буханканинг оғирлиги 500 ва 520 граммдан ортиқ эмаслигига нима дейсиз? Ваҳоланки, белгиланган давлат стандартларига мувофиқ, бир буханка ноннинг корхона линиясидан чиқиш пайтидаги оғирлиги 600-620, унинг истеъмолчига етиб борган вақтидаги оғирлиги эса 587-600 граммни ташкил этиши лозим.

Хўжалик ҳисобидаги «Қибрайнон» корхонасининг раҳбари Руҳсора Абдураҳмонованинг таъкидлашича, бу ерда кунига беш тоннадан зиёд буханка ва обинон тайёрланаркан. Ўтган йилнинг тўққиз ойида жамоа 9 миллион 335 минг сўм соф фойда олибди. Хамир қориш, нон тайёрлаш цехларидаги орасталикни кўриб, қувондик. Руҳсора опага мижозларга тахт қилиб қўйилган нонларни тортиб кўриш ниятимиз борлигини билдирдик. У миййиғида жилмайиб, марҳамат, дея бир нечта нонни тарози палласига қўйди. Ҳар бирининг оғирлиги 600-620 граммдан тош босди.

– Кўриб турганингиздек, нонимиз оғирлиги давлат стандарти талабига жавоб беради, – деди у мамнун оҳангда. – Юз килограмм ундан 136 килограмм тайёр маҳсулот, яъни 230 буханка нон ишлаб чиқараяпмиз.

Тошкентга қайтарканмиз, «Қибрай» автобекати ёнида қизиқ бир ҳолатга дуч келдик. Қатор дўконларнинг бирида Қозоғистон унидан тайёрланган нонларни ўтган-кетганларга мақтаб-мақтаб сотаётган сотувчи аёл эътиборимизни тортди.

– Нонингизнинг ўзи ҳам Қозоғистонда тайёрланганми?— сўраймиз ҳазиллашиб.

– Йўқ, ўзимизнинг «Қибрайбараканон»да ишлаб чиқарилади.

«Қибрайбараканон» хусусий корхонаси Рустам Шожалиловга тегишли экан. Шу корхона ходими Ихтиёр Маматов билан фирма дўконида сотилаётган нонларни тарозида тортиб кўрдик: оғирлиги зўрға 500-520 граммдан чиқди.

– Нега нонларингизнинг ғози йўқ?

– Буни корхона раҳбаридан сўрамасангиз, менинг ақлим етмайди, – деди Ихтиёр.

Туман ҳокимининг ўринбосари Абдухалил Абдужамиловга учраб, корхона раҳбарини топишга ёрдам беришини сўрадик.

– Ишламаётган корхонанинг раҳбари нима учун керак бўлиб қолди?— деди у бепарвогина.

У кишига бўлган воқеани сўзлаб берганимиздан кейин «Оббо, яна бошлашибди-да» дея туман солиқ бўлимининг бошлиғи билан боғланди.

– Қаёққа қараяпсизлар, «Қибрайбараканон» яна маҳсулот ишлаб чиқараётганмиш. Ахир, унинг лицензияси муддати тугаганига олти ойдан ошаяпти-ку?! Бунинг устига, хомашё бериш ҳам тўхтатилган. Корхонанинг ишлаган-ишламаганлигини тезда аниқлаб, менга хабар қилинглар.

Қизиқ, катта бир корхона ҳеч қандай ҳужжатсиз, бунинг устига, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарса-ю, бундан туман раҳбарлари бехабар бўлсалар? Бу ҳам етмагандек, фирмадагилар ўз маҳсулотларини шундоққина туман ҳокимлиги биноси ёнида сотса-ю, уни назорат қилувчи ташкилот ходимлари кўрмаса? Қойил-э, ўзини гулликка солиш ҳам эви билан-да...

Ота-боболаримиз азал-азалдан нафақат нонни, балки унинг ушоғини ҳам нон, деб билишган. Кўзларига тўтиё қилиб суртишган. Шундай экан, муқаддас неъматга нисбатан қўли эгрилик қилиш, унга нопокликни аралаштириш асло мумкин эмас. Хўш, буни нон тайёрловчиларнинг ўзлари тушунишармикин? «Ҳеч ким билмайди» қабилида иш юритиб, одамлар ризқига чанг солиш, ножўя ишларга қўл уришнинг оқибати – вой. Ахир, халқимиз «Бировнинг ҳақи – ҳиндолнинг ўқи», деб бежиз айтмаган. Бундан улар тегишли хулоса чиқаришади, деган умиддамиз.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# БАҲОДИРЛИК қалбимизда жам

«Янги йил» деган тушунчанинг шукуҳи бўлакча. Бўралаб ёғаётган лайлак қор, тарновларга сирға мисоли осилиб қолган яхмалак, ҳавони жаранглатиб юборгудай бўлган аёз табиатга тароват, кўнгилларга ҳузур-ҳаловат бағишлайди.

Чегара қисмидамиз. Назорат-ўтиш пунктида Шерзод Нурманов билан суҳбатлашиб қолдик.

Ялтиллаб турган пойабзалига диққат билан қараганимни сезиб, Шерзод гап бошлайди:

— Авваллари солдатлар порпиллатиб этик кийишар экан, — дейди у хоразмча шева билан. — Манови патинкамиз — енгил. Пайтава ўраб киямиз. Оёқдан зах ўтмайди. Оёғи енгилнинг — суяги енгил, дерлар. Югуриб елиб хизмат қилаяпмиз.

Қисм штаб бошлиғи, капитан Ҳасанбой Сулаймонов яқинда хизматга келган икки аскар билан суҳбатлашаётган экан. Мавзу — Янги йил. Кўникма. Хизмат масъулияти.

Ўзини Умид Каримов деб таништирган аскар уйига хат ёзганини, хатига қўшиб дўстлари билан тушган расмини (хизматга келганидан буён тушган биринчи расми) жўнатганини, хизматдаги бир ярим ой давомида қуролдан отишни, наряд турларини, чегарани қўриқлаш тартибларини ўрганиб олганини гапириб берди. Аскарнинг кўзига машқ майдонлари-ю казарма қатори ошхонаям иссиқ кўринади. Умид ва унинг сафдоши Ҳикматжон Шарофат Муродованинг — ошпазнинг қўли ширинлигидан хурсанд эканлар.

— Ҳарбий қисмнинг яна нимаси ёқди? — деган саволимизга, Умид:

— Кутубхонаси яхши экан бу ернинг, — деди. — Саргузашт асарларга ўчман. Дон Кихотни, Том Сойерни, Зурекелани (Нодар Думбадзе қаҳрамони), сўнг Шум боланинг саргузаштларини жон деб ўқийман.

— Мен бўлса ўзбек ёзувчилари китобларини кўпроқ ўқийман, — дейди ўзини сипо тутиб Ҳикматжон. — Бу ернинг почтаси ҳам ҳарбийча интизом билан ишлар экан. Кунда-кун оша газета бор...

Аскарларнинг мутолаадан ҳам муҳимроқ ишлари бор. Бу — Ватанимиз чегараларини қўриқлаш. Бу иш, биласиз, танаффус билмайди. Фасл танламайди. Ҳаво иссиқ ё совуқ деган гап йўқ.

Қисм чегарачилари бу ишни тўртта бўлинмага бўлиниб адо этмоқдалар.

— Аскарларимиз отда юришни, дурбиндан, алоқа аппаратларидан фойдаланишни беш қўлдай биладилар, — дейди капитан Ҳ. Сулаймонов. — Алишер Аббосов деганимиз бор. Кўзи — лочинникидай. Ўткир етти қадам узунликка сакрай олади. Тўртта тилни билади. Бошқа йигитлар ҳақида ҳам мана шундай сифатларни айта оламан.

Биз шофёр Жума Эшқобилов билан гурунглашамиз. У «ЗИЛ-131» русумли машина ҳайдайди. Узоқ-узоқларга чўзилиб кетган чегара сўқмоқларини беш қўлдай билади. Аскарнинг, зобитнинг кайфиятини, кўнглидаги ўйларини унинг кўз қарашидан илғай олади.

— Менинг озиқ-овқат, иссиқ кийим, почта ортилган машинам манзилга кечикмай етиб борса бўлди, хизмат аъло даражада давом этади, деяверинг, — дейди Ж. Эшқобилов. — Лекин бугунги фаслнинг қиш деган оти бор. Унинг синовини уддаламоқ учун иккиуч баравар ҳушёр, ҳаракатчан бўлмоқ лозим. Бу синовни уддалаб келаяпмиз. Яна уддалайверамиз.

Назорат-ўтказиш пункти бошлиғи Жамила Холматованинг гаплари ҳам Янги йил байрамига мос ва мардоналикка хос бўлди:

— Мен ҳарбийлар сулоласиданман, — дейди у. — Отам — уруш қатнашчиси бўлганлар. Акаларим — ҳарбий хизмат офицерлари. Ўғлим Умарали — чегарачи. Абдиғани ўғлим ҳам офицер бўлмоқчи. Бу шунчаки қизиқиш эмас. Бу — бурч, шарафли иш...

Улар билан хайрлашдик. Машқ майдонидан эса аскарларнинг гурсиллаган қадамлари эшитилди. Қисм узра мардонавор қўшиқ янграйди:

*Ўтди неча йиллар, асрлар.*
*Тарихингда борин ёздилар.*
*Ўтди Темур, Улуғбеклар ҳам,*
*Улар руҳи қалбимизда жам.*

**У. ОЛИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳаяжонли учрашув

*Жамиятдаги демократлаштириш жараёни армиядаги ислоҳотлар турли даражадаги тадбир ва маърифий анжуманлар мазмун-моҳиятига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда. Пойтахтимиздаги Офицерлар марказий уйида бўлиб ўтган мулоқот ушбу сўзимиз исботидир.*



Гапнинг очиғи, тадбирга бунча кўп одам келади, аскарларнинг ота-оналари, ички қўшинлар вакиллари иштирок этган ушбу анжуман ўзига хос байрамга айланиб кетади, деб ўйламаган эдик. Йиғилганларга қараймиз: ёшу қари интиқлик билан анжуман бошланишини кутмоқда.

Анжуманни мудофаа вазирининг тарбиявий ишлари бўйича ўринбосари, полковник Маннобжон Аҳмедов очиб, янги йил арафасида ўтказилаётган ушбу тадбирнинг маърифий аҳамияти, ота-оналар, аскарлар, ҳарбийлар орасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашдаги ўрни ҳақида гапирди. Сўнгра мудофаа вазири Қодир Ғуломовга сўз берилди.

— Бугун яхши бир анъанага асос солинмоқда, — деди нотиқ сўзи аввалида. — Бу ерга йиғилишимиздан мақсад армиядаги янгиланишлар, ютуқ ва камчиликлардан сизларни хабардор қилиш, тарбиявий ишларда мустаҳкам ҳамкорлик режаларини тузиб олишдир. Албатта, ҳар бир ота-она ҳарбий хизматга кетган ўғлини ўйлайди, кийим-кечаги, еб-ичиши қандай экан, дейди. Тартиб-интизоми билан қизиқади. Ишонч билан айтишим мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида аскарларнинг намунали хизмат қилишлари учун барча шарт-шароит етарли. Уларнинг юриш-туриши, тарбияси малакали офицерлар назоратида. Айниқса, тарбиявий, маънавий-маърифий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аскар хизматининг илк кунидан эътиборан тарбиячи офицерлар у билан якка тартибда суҳбатлар ўтказишади. Ўзи, оиласи ҳақидаги маълумотлар, қизиқиш доираси тафсилотлари педагогик кундаликда мунтазам қайд этиб борилади. Бир сўз билан айтганда, аскар хизматининг охиригача қатъий кузатув ва назорат остида бўлади.

Айни пайтда ота-оналар фарзандларини хизматга жўнатар эканлар «Сени армия тарбиялайди, армияга бориб одам бўлиб келасан», деган нуқтаи назарда ўғлони одоб ахлоқи, интизомини ўз зиммасидан соқит қилмасликлари кераклиги ҳақида гап борди. Ўғил хизмат вазифасига киришганидан кейин, командирларга икки энлик хат ёзиб, унинг феъл-атвори борасида маълумот бериш унинг ҳарбий хизматга сингиб кетишини осонлаштиради.

Маълумки, айни кунларда Қуролли Кучларда катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясида ҳарбий ислоҳотларга алоҳида эътибор қаратди. Ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, ҳарбийларга имтиёзлар хусусида кўплаб таклифлар киритди. Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясида эса янги таҳрирдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Бу ҳарбий ислоҳотларни янги босқичга кўтаришда, профессионал армия ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Анжуманда, шунингдек, аскарларнинг оналарига сўз берилди. Жумладан, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Зуҳра Азимова, Чилонзор туманида истиқомат қилувчи Дилфуза Ҳошимовалар ўғиллари — оддий аскарлар — Шуҳрат Юсупов, Аҳмаджон Ҳошимовлар десантчи, зенитчи бўлиб хизмат қилаётганлигини фахр-ифтихор ила тилга олишди. Ҳарбий қисмда аскарларга яратилган шарт-шароит билан танишиб, шод бўлганликларини таъкидлашди.

— Биз ота-оналар учун «сюрприз» тайёрлаб қўйганмиз, — деди йиғин бошловчиси полковник М.Аҳмедов. — Ҳозир саҳнага турли гарнизонлардан келган аскарларни таклиф этамиз.

Парда ортидан бир гуруҳ аскарлар чиқиб келишди. Уларга намунали хизматлари учун қисқа муддатли таътил берилганлиги тантанали равишда эълон қилингач, мудофаа вазири Ватан посбонларининг ҳар бирига совға улашди.

Анжуман мобайнида биз баъзи ота-оналарнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Ўғлим Ойбек Мирзааҳмедов Жиззах гарнизонида хизмат қиляпти, — дейди Тошкент шаҳрининг «Юнусобод» даҳасида яшовчи Зуҳра Мирзааҳмедова биз билан суҳбатда. — У аскарликка жиддий тайёрланди. Спорт билан болалигиданоқ шуғулланди. Компьютерни ўрганди, мактабни аъло баҳолар билан тамомлади. Айни пайтда штабда компьютерда ишлайди. Ушбу анжуманда иштирок этишимга ҳам ўғлимнинг муваффақиятлари сабаб, деб ўйлайман...

Саҳнадан тушиб қўлида гулдаста, совғалар билан отаси қучоғига талпинаётган аскарга яқинлашамиз.

— Оддий аскар Музаффар Каримов, — дея ўзини таништирди йигит. — Жиззах гарнизонида хизмат қилаяпман. Ўзим Тошкент туманиданман. Бугунги кутилмаган хурсандчиликдан бошим осмонга етди. Шахсан мудофаа вазирининг қўлидан совға олдим. Мана, дадам билан учрашиб турибман. Бу ёғи таътил қувончи...

Унинг отаси Воҳиджон Каримов хурсандчилигини шундай ифода этди:

— Аввалги даврда армия ва халқ орасидаги бундай яқинликни хаёлимизга ҳам келтира олмасдик. Мустақил ватанинг, собитқадам армиянг бўлганига нима етсин. Ўйлайманки, армиянинг довруғи, халқчиллиги янада ошаверади.

Шодиёналар концерт дастурига уланиб кетди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамблининг хушовоз хонандалари ижросидаги ашулалар йиғилганларга завқу шавқ ҳадя этди.

Шу тариқа янги йил арафасида янги бир анъанага асос солинди. Тарбиявий ишларни юқори поғонага кўтариш, Қуролли Кучларда жамоат назоратини янада кучайтириш, армия ва халқ орасидаги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш сари муҳим қадам қўйилди.

Ушбу ажойиб тадбир бундан кейин барча округ ва гарнизонларда давом этади.

**А. УСМОНОВ,**
**майор,**
**Б.РЎЗИМАТОВ,**
**Қуролли Кучлар хизматчиси.**
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

СУРАТДА: *тантанадан лавҳа.*

**А. МРУЧАК олган сурат.**

# Интизом — ютуқлар калити

*Маълумки, якуний синов ҳар бир жамоанинг ўқув йили давомидаги жанговар шайлиги, интизоми, жанговар тайёргарликлари даражасини кўрсатиб беради. Қолаверса, бу йўл қўйилган хато, камчиликларни тузатишга, уларни таҳлил қилишга имкон ҳамдир.*

Капитан Жума Туробов командирлик қилаётган артиллериячилар дивизиони шахсий таркиби ўқув йилида олдига қўйган вазифаларини тўла адо этди. Аниқроқ қилиб айтсак, мазкур жамоа «Ватанга садоқат, касбий маҳорат ва интизомлилик — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи ва мажбуриятидир» шиоридан келиб чиқиб, ўз вазифаларини белгилашганди. Унинг самараси бўй кўрсатди.

Посбонларда юртига, бурчига садоқат туйғуларини шакллантиришда, интизомнинг мустаҳкамланишида тарбиявий ишларнинг аҳамияти беқиёс. Бунда дивизион командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, катта лейтенант Раҳимберди Худойбергановнинг хизматларини таъкидлаб ўтсак арзийди. Тарбиячи офицер аниқ режа асосида иш юритади. Масалан, мусобақа бўйича ким қандай мажбурият олганини яхши билади. Ҳафталик, ойлик якунлар таҳлил қилинганда, мажбуриятини қай даражада бажараётганига қараб посбонларга йўл-йўриқ кўрсатади. Кўрсаткичлари пасайган аскарлар билан якка тартибда иш олиб бориб, унинг сабабларини топади.

Ўқув йили давомида турли йиғинлар ўтказилгани артиллериячиларнинг назарий, амалий кўникмаларини оширди. Шу боис дала-ўқув машғулотларида доимо юқори натижаларга эришиб келинди. Якуний синов машғулотлари пайтида ҳам полигонда посбонлар жанговар шайликлари юксак эканлигини исботладилар. Масалан, шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Фериддин Бердиев командирлигидаги тўпчи шунқорлар нишонларга бехато отишди. Дастлаб шартли душман пиёдаси, сўнгра жанговар техникасига олов ёғдиришиб, вазифани кўнгилдагидек уддалашди. Разведкачи посбон оддий аскар В.Шаробиддиновнинг берган аниқ маълумотлари асосида тўпчилар тезкорлик билан ҳаракат қилишди. Бўлинма аъзоси (яқинда захирага бўшаган) оддий аскар Ориф Ҳамроев, оператор оддий аскар Жаҳонгир Йўлдошевларнинг ҳаракатларини кузатган киши уларнинг маҳоратларига тан бермай иложи йўқ. Шу боис жамоа посбонлари якуний синовларда махсус, техник тайёргарликлар, нишонга отиш машқларида зафар қучишди.

— Ортда қолган ўқув йилидаги ютуқ-камчиликларни таҳлил қилишимиз бор гап, — дейди дивизион командири, капитан Ж.Туробов, — Аммо биз янги ўқув йилига қадам қўйдик. Демак, ўтган мавсум натижаларидан хулосалар чиқариб, олдимизга янги мақсад, режаларни қўймоғимиз лозим. Қишки ўқув мавсумида кичик командирларимиз маҳоратини янада оширишга ҳаракат қиламиз. Йиғиндан сафимизга қўшилган ёш аскарларда касбий маҳорат ҳосил қилиш учун назарий, амалий машғулотларга жиддий эътибор бераяпмиз. Бундан ташқари, шахсий таркибга замонавий жанг шароитида қандай тактикаларни қўллашни тушунтирамиз. Шу тариқа жанговар шайлигимизни янада юқори чўққиларга олиб чиқамиз.

Жамоада ёш, умидли офицерларнинг ўрни ҳам муҳим. Масалан, бошқарув гуруҳи командири лейтенант Абубакир Каримов шулар жумласидан. Абубакир ёш бўлишига қарамасдан, тажрибали, соҳа илмини пухта эгаллаганлардан. Ҳатто унинг профессионаллаша бораётган шогирдлари — шартнома бўйича хизматчилари бор.

Жамоанинг жанговар ҳаётини кузатиб, унинг моҳиятини профессионаллик ташкил этаётганини англайман. Хоҳ разведкачи, хоҳ ўқловчи, хоҳ мўлжалга олувчи бўлсин, баридан ўз соҳасини талаб даражасида билиш сўралади. Оддийгина кўринган бу ҳақиқат эса ютуқлар калити бўлиб хизмат қилмоқда.

**Алижон САФАРОВ,**
**капитан.**

# Кўнглим хотиржам

«Ўз уйим — ўлан тўшагим», деган гап бор. Бу ҳикматни Ватанга нисбатан қўллайдиган бўлсангиз, олам-олам маъно келиб чиқади. Яқин ўтмишга тош отиш, деб тушунманг-у собиқ шўролар тузуми даврида таниш бир оилада юз берган кўнгилсиз воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Қўшнимизнинг тоғни талқон қиладиган, алпомиш келбатли ўғли ҳарбий хизматдан ногирон бўлиб қайтди. Ногирон бўлганда ҳам бош мияси лат еган, юзининг абжағи чиқиб кетган. Орадан анча йил ўтса ҳам ўша — бир вақтлари гулдек йигит бўлган азамат ўзига келолмаяпти. Ҳар гал уни кўрганимда этим увишади. Сабаби — у жанговар ҳаракатлар чоғида эмас, қайси бир «командир»нинг дала ҳовлисига тахта олиб бораётганида машинадан тушиб кетиб, мажруҳ бўлган. Устига устак, бахтсиз ҳодиса бизнинг ҳудуддан бир неча минг чақирим олис ерда юз берган эди. Шўрлик ота неча марта собиқ Иттифоқ марказига, ҳарбий муассасаларга қатнади, боласи учун неча ўлиб, неча тирилди...

Мустақиллик шарофати боис ўғлонларимиз ўз юртимизда йигитлик бурчларини ўтамоқда. Иккинчи ўғлим Ҳабибулло ҳам Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилмоқда. Яқинда ўғлим хизмат қилаётган полковник Ихтиёр Худойназаров раҳбарлигидаги ҳарбий қисмда бўлдим. Яширмайман: пича бўлса ҳам, хавотир билан борган эдим. Ўғлимни, у хизмат қилаётган қисмни, у ерда фарзандларимиз учун яратилган шарт-шароитни кўриб хавотирим тумандек тарқаб кетди. Ўғлимнинг командирлари билан суҳбатлашдим. Уларда ва йигитларда Ватан ҳимоячиларига хос ҳақиқий ғурур бор. Айниқса, Ҳабибуллонинг сафдошларидан Руслан Саидов, Дилмурод Умаров ва бошқаларда ўша ифтихорни аниқ ҳис қилдим.

Ҳарбий қисмдан қайтиб келган куним Олий Мажлис сессияси кунига, ҳарбий хизмат муддати ярим йилга қисқартирилган пайтга тўғри келди. Бунинг учун Президентимизга, ҳукуматимизга чуқур миннатдорчилик билдирамиз. Ўғлонларимиз эса мустақилликни, озод Ватанни кўз қорачиғидек асрайверсин, деб ният қилганман. Академик шоиримиз Ғафур Ғулом лутф қилганларидек, «Йигит омон бўлса хавфу хатар йўқ!»

**Дилором СУЛТОНОВА,**
**уй бекаси.**
**Нукус шаҳри.**



# Бурч деган устун

Жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги кундан-кунга мустаҳкамланиб, жаҳондаги обрў-эътибори ортиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз фуқароларининг давлатга, жамиятга нисбатан ҳурмат-эҳтироми, ўз бурчларини нечоғли теран англаши ва адо этиши муҳим аҳамиятга эга.

Яшириб нима қилдим: бир неча кунлардан буён ҳаяжондаман. 1981 йили туғилган ўғлим Шарофиддин мамлакатимиз Қуролли Кучлари қаторига қўшилди. Фарзанд соғинчи нақадар кучли бўлмасин, иккинчи томондан ... ўғлим юрт корига яради, менга ўхшаган миллион-миллион фуқаролар осойишталигини қўриқлаётган мардлар сафига турди, деган ифтихор туйғуси ундан ҳам чуқурроқ. Энг муҳими, фарзандим ўз элида, ўз мамлакатида хизмат қилмоқда. Ўз халқининг тинчлигига, чегараларимиз дахлсизлигига посбон бўлаётир.

Мустақил мамлакатимизни муҳташам бинога қиёслайдиган бўлсак, уни тутиб турган устунлардан бири бурчдир. Ўғлим ана шу бурчини аъло даражада бажаришини, айни чоғда мамлакатимиз осмони доимо мусаффо бўлишини, биз оналар жасур фарзандларимизга қўшқанотликдан чарчамаслигимизни истайман!

**Шарофат НИЗОМОВА,**
**уй бекаси.**
**Ургут тумани.**

# Чақириқ ёшидаги йигит

## ёки ҳарбий хизматга тайёрлаш қандай боряпти?

Ватанпарварлик — олий туйғу. У кишидан катта масъулият талаб қилади. Бу туйғуни биргина «Мен Ватанимни жон-дилимдан севаман, уни ҳимоялаш учун ҳамма нарсага тайёрман», дейиш билан исботлаш қийин. Масалан, Ватан ҳимоясига кор келиш учун инсон жисмонан бақувват, соғлом, чаққон ва жасоратли бўлиши талаб этилади. Йигитларда бундай хислатлар кўпроқ ҳарбий хизматга чақириққа қадар шакллантирилади. Ушбу юмушни асосан мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти амалга оширади.

Триатлон деган спорт тури ҳақида эшитганмисиз? Бу мураккаб машғулот билан унча-бунча одам шуғулланиши қийин. Чиниқмаган киши шошиб қолади. Лекин Наманган шаҳрида яшовчи Бахтиёр Нурматов триатлон билан машғул эканлигидан мамнун. Боиси, машғулотларда роса тобланди. Эндигина ўн бешни қоралаган йигитчанинг алп қоматига ҳавас қиласиз. Шу йил ёзда ўтказилган республика биринчилигида ажойиб натижа кўрсатиб, устозларини, тенгдошларини лол қолдирди. Бу ҳазилакам ишмас. Ахир, бир ярим километр масофага сузиш, ундан чиқиб 40 километр йўлни велосипедда босиб ўтиш ва 10 чақирим жойга югуриб бориш — бу юмушларни белгиланган фурсатда уддалаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

«Ватанварвар»нинг Наманган вилояти кенгашида ёшларни спортнинг ҳарбийлашган турларига жалб этиш кучайгани Бахтиёр сингари жисмонан етук йигитлар сафини кенгайтирмоқда. Шу йилнинг август ойида Наманган вилоят марказидаги Машраб номли боғда триатлон бўйича мамлакат биринчилиги ташкил этилди. Мусобақаларни ташкил қилган ота-оналарнинг аксарияти фарзандлари спортнинг мазкур тури билан бежиз шуғулланмаётганликлари, улар орттираётган маҳорат эртага ҳарбий хизматда жуда-жуда асқотишига юракдан амин бўлдилар. Рост-да, бугун югуриш, сузиш, мерганлик, сакрашни ўрнига қўйган ўспирин эртага ҳарбийда учрайдиган мураккаб вазиятдан усталик билан чиқиб кетиши турган гап.

Жисмоний чиниқиш машғулотларида йигитлар билан тенгма-тенг баҳслашаётган қизларни ҳам учратасиз. Улар орасида ёзги биатлон бўйича икки карра Европа чемпиони Муҳаббат Кондакованинг шогирдлари кўп. Кондаковларнинг оилавий жамоаси фаоллиги билан республика биринчиликларида фахрий ўрин қўлдан берилмаяпти. Кейинги пайтларда улар қаторига Шоаъзамовлар оиласи ҳам қўшилди.

«Ватанпарвар» уюштираётган машғулотларда ёшлар нафақат биатлон, дуатлон ёки триатлон, балки мотопойга, велопойга, мерганлик, радиоспорт, авиаракет моделлари ясаш билан ҳам қизиқиб шуғулланмоқдалар. Чустлик Нажмиддин Зайниддинов ясаган ракета модели осмону фалакка кўтарилиб, узоқ вақт учганида кўпчилик қойил қолди. Иқтидорли моделчи ўз ихтироси билан пойтахтда ўтказилган биринчилик чемпиони бўлди. Бугун қизлари Барно ва Лайли ҳам отаси ёнига кириб, мураккаб моделлар устида бош қотиришаяпти.

— Фаолиятимиздан миллий спорт ўйинлари кўпроқ ўрин олиши керак, — дейди Кенгаш раисининг ўринбосари Ғойибжон Жўраев. — Амалда ҳам шунга интилаяпмиз. Баҳор ва ёзда ўтказилган «Алпомиш ва Барчиной» ўйинларида 70 мингдан ортиқ ўғил-қиз белгиланган маррани эгаллади. Тўрақўрғон туманида уюштирилган варрак ва Лайлак учириш баҳсларида беш юзга яқин иштирокчи осмонни ясама қушларга тўлдириб юборди. Эндиликда жанговар от спортини оммалаштиришга киришмоқчимиз. Жангчи чавандозликни ҳавас қилганлар кўпайсин, деймиз-да. Ахир, биз қилич ўйнатиб, от чопган Амир Темур, Жалолиддин Мангубердиларнинг авлодимиз. Улар жасорати ва маҳоратини ёшлар онгига бугун сингдирмасак, қачон сингдирамиз.

«Ватанпарвар» ўз номи билан ёшларни меҳнат ва мудофаага тайёрлашга сафарбар этилган. Кўп қиррали бу юмуш фақатгина жисмоний чиниқтиришнинг ўзи билан битмайди. Шундан келиб чиқиб, чақириқ ёшидаги йигитларда хизматда асқотадиган касб малакасини шакллантиришга кенг ўрин берилган. Кенгаш қошидаги автомобиль мактабида таҳсил кўрган ёшлар армияга тайёр мутахассис бўлиб борадилар. Мудофаа бўлимлари тавсияси билан ҳайдовчилик касбини ўрганаётган йигитлар замонавий транспорт воситаларининг исталган турини моҳирона бошқариш сирларини ўзлаштиришлари учун етарли моддий-техник база шаклланган. Кейинги йилларда автосаройга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «Нексия», «Тико», «Дамас»лар ҳам қўшилди. Жорий йилнинг ўзида 410 нафар малакали ҳайдовчи тайёрланди. Бундан ташқари, хўжалик ҳисобидаги курсларда турли тоифадаги бўлажак ҳайдовчилар таҳсил олишмоқда.

Ўз олдига ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига ҳисса қўшишни мақсад қилган ушбу ташкилотнинг фаолияти бугун янада тиғизлашган. Унинг ташаббуси ва ҳамкорлар кўмагида оммавий ватанпарварлик ойлиги ўтказилмоқда. Анъана тусини олган ойлик давомида қатор тадбирлар ташкил этилади. Куни кеча автомобиль мактаби тингловчилари ҳарбий қисмга боришди. Уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувда жанговар хотиралар ёдга олинди. Маҳаллалардаги мулоқотларда эса «Аскарлик йигитнинг шон-шарафи», «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра», «Маҳалла — Ватан остонаси» мавзуларида суҳбатлар ўтказилаяпти. «Ватанпарвар»чилар бундан ташқари спортнинг техник ва амалий турлари бўйича қизиқарли мусобақалар ташкил этишни ҳам режалаштиришган.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Афғонистондаги тинчликсевар кучлар ҳам байрамни муносиб кутиб олишга катта эътибор қаратишди.



*Ҳиндистон. Янги йил арафасида мамлакат пойтахти Деҳли шаҳри аҳолиси учун ажойиб совға ҳадя этилди. Деҳлида метрополитеннинг илк йўналиши ишга тушди.*

*Франция. Мамлакат айёмга қизғин тайёргарлик кўрди. Париждаги Нотр-Дамм биноси ёнида ўрнатилган янги йил арчаси парижлик ва меҳмонларга жуда манзур бўлди.*



# Қўй — барака рамзи

Шарқда қўй жуда ювош жонивор ҳисобланади. У хонадонга тинчлик, осойишталик ва барака олиб келади.

Маълумотларга кўра, қўй ер юзида бундан 2,5 миллион йил илгари пайдо бўлган экан. Ҳозирги кунда Она заминимизнинг яйловларида 1 миллиарддан зиёд қўй боқилмоқда. Улар энг қадимги уй ҳайвонлари ҳисобланади. Айтишларича, одамзод уни камида 10 минг йил аввал қўлга ўргатган. Шифокор олимларнинг сўнгги тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, қўй гўштидан тайёрланган таомлар ва унинг жунидан тикилган буюмлар ноёб ва соғломлаштирувчи кучга эга. Улар 20 дан зиёд касалликни енгишда ёрдам беради.

Қадимда қўйлар, айниқса, Грецияда жуда қадрланган. Уларга, хатто, исмлар ҳам қўйишган. Чўпонлар қўйларининг яхши томонларини мақтаб уларни кўз-кўз қилишган.

Қўйчилик эрамиздан бир неча аср аввал Волгабўйи, Украина, Шимолий Кавказ ва Марказий Осиёда ривожлана бошлаган. Баъзи ҳудудларда қўй иккинчи даражали пул бирлиги бўлиб хизмат қилган (ўша пайтда биринчи пул бирлиги—отлар эди).

Ҳозирги кунда мавжуд 850 та турдаги қўйларнинг Ўрта Осиё ва Кавказдаги думбали зотлари шароитга яхши мослашиб кетган. Чунки улар овқатни кўпам саралаб емайди, қалин жуни эса об-ҳаво ноқулайликларидан сақлайди. Думбаси туфайли жониворлар туялар сингари бир неча кун давомида овқатсиз ва сувсиз узоқ масофаларни босиши мумкин.

Шарқ халқларида қўй икки муқаддас тушунчанинг, яъни тинчлик ва фаровонликнинг рамзидир. Қўйнинг зиддият ва кескин вазиятларга тоқати йўқ. Шунинг учун ҳам янги йил тинч ва осойишта ўтишига умид қилса бўлади.

# Жарима ўрнига қўшиқ

Американинг Теннеси штатида тезликни ошириб қоидани бузган ҳайдовчилар бугунги кунда жарима тўламасликлари мумкин. Улар ўз гуноҳларини ювиш учун полициячига байрамга бағишланган бир жуфт қўшиқ айтиб берса кифоя. Шуни айтиш керакки, ушбу усул кўпчиликка жуда маъқул бўлмоқда.

Теннеси штатидаги Колумбия шаҳрида ҳозиргача 55 нафар қоидабузар ушланган. Лекин байрам туфайли (бунга шаҳар ҳокимияти ҳам расман рухсат берган) полициячилар тартиббузарларга "юмшоқроқ" муносабатда бўлишмоқда. Улар "учарлар"га жарима сифатида қўшиқ айтиб беришни сўрашади, қўшиқни тинглаб қўйиб юборишади. Баъзи ҳайдовчилар бошида сал ийманиб туришади. Лекин шу йўл билан жаримага кетадиган пул ҳамёнга қолишини ўйлаб қўшиқни мароқ билан куйлай бошлашади. Шаҳар судьяси Том Дюбуа бундан уч йил аввал жорий қилинган, аммо шу қисқа вақт ичида аҳолига манзур бўлган удумга содиқ қолишга қарор қилди. Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлар қўшиқ айтишга рози бўлишса ёки ночорлар учун хайрия жамғармаларига озиқ-овқат беришса, ҳар қандай жаримадан озод қилинадилар ва шу иш бўйича келажакда унга бошқа ҳеч қандай айб қўйилмайди.

Таъкидлаш лозимки, бундай чоралар фақатгина байрам кунлари амалга оширилади. Қолган пайтда жарималар ҳамишагидек тўланаверади.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

«Сурхондарё почтаси»
акциядорлик жамияти
республикамиз
фуқароларини
Янги —
2003 йил билан
қизғин табриклайди!



Янги йилда ҳамиша қалбларингизга, хонадонингизга қувончу сурур, осмонимизга ёғду нур ёғилиб тураверсин!

Узоқларда яшаётган қариндош уруғларингиздан, фарзандларингиздан хуш хабарлар кутиб қолинг.

Бизнинг хизматимиз дўсту қадрдонликнинг равнақига, эзгулик ришталарига камарбастадир.

6699/2669

DAEWOO UNITEL

Ўзбекистонда 1-рақамли оператор
абонентлар сони ва GSM алоқа доираси жиҳатидан

Янги йилда Daewoo Unitel билан

Биз абонентларимизга эришилган ютуқларимиз учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз!
Сизга соғлик-саломатлик, бахт, фаровонлик ва барча орзу ниятларингизнинг рўёбга чиқишини тилаймиз!

Нархларнинг ҳайратомуз тушиши! 60% гача

2003 йил 1 январдан

| Хизмат кўрсатиш пакети | Абонентлик тўлови | Бепул дақиқалар | Бепул дақиқалардан сўнг қўнғироқлар баҳоси | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Кириш қўнғироқлари | Чиқиш қўнғироқлари: Тармоқ ичида | Чиқиш қўнғироқлари: Ўзбекистон бўйича |
| Standard | 14 | 150 | 0,10 | 0,10 | 0,10 ~~0,25~~ |
| Millennium | 30 ~~35~~ | 400 ~~360~~ | 0,10 | 0,10 | 0,10 ~~0,25~~ |
| Economic | 60 ~~65~~ | 800 ~~720~~ | 0,05 | 0,10 | 0,10 |
| Prestige | 80 | 1200 | 0 | 0,10 | 0,10 |
| VIP | 105 ~~125~~ | чекланмаган | 0 | 0 | 0 |
| VIP International | 145 ~~165~~ | чекланмаган | 0 | 0 | 0 |

янги хизмат кўрсатиш пакети

ЯНГИ Optima

абонентлик тўлови: $45
бепул дақиқалар: 600
кириш ва чиқиш қўнғироқлари: (бепул дақиқалардан сўнг) $0.10

Бирлик: АҚШ $ / дақиқа
Барча нархлар ҚҚС сиз (20%) кўрсатилган

БЕПУЛ уланиш
50% чегирма
SIM карта хариди учун
"Komfort" хизмат кўрсатиш пакети бундан мустасно

For your satisfaction only!

DAEWOO UNITEL CELLULAR SERVICE

Бош офис:
Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 1. Тел: 185-00-22.
"Intercontinental" меҳмонхонасидаги филиал:
Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107а. Тел: 185-09-80.

Компаниянинг вилоятлардаги офислари:
Андижон: 53-00-56, Бухоро: 223-05-36, Қарши: 221-15-02, Қўқон: 2-33-30
Навоий: 223-89-00, Наманган: 4-29-53, Нукус: 222-71-59, Самарқанд: 33-09-06
Термиз: 7-52-19, Урганч: 226-38-50, Фарғона: 24-10-31

Лицензия: РТ № 0000123

DAEWOO UNITEL
эришган ютуқлари учун ўз абонентларига миннатдорчилик билдиради ва эълон қилади!

ИККИНЧИ КАТТА ЮТУҚЛАРНИНГ ЎЙНАЛИШИ
АБОНЕНТЛАР ЎРТАСИДА

СУПЕРЮТУҚ автомобиль MATIZ

Компьютерлар - 2та
Музлатгичлар - 3та
Кир ювиш машиналари - 3та
Телевизорлар - 4та
DVD + Видеомагнитофонлар - 5та
Мусиқа марказлари - 11та



Ютуқлар 2003 йил июнь ойининг охирида ўйналади.

Ўйинда қуйидагилар қатнашади:
Мавжуд барча абонентлар, шунингдек, янги (2003 йилнинг март ойи охиригача уланганлар), камида 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Standard, Millennium, Optima, Economic,, Prestige, VIP ва VIP International хизмат кўрсатиш пакетларидан фойдаланувчи актив* абонентлар (Komfort хизмат кўрсатиш пакетига эга бўлган абонентлар ўйинда қатнашмайдилар).

Бошқа шартлар:
- Ютуқ билан боғлиқ бўлган барча солиқлар ютуқ соҳиби томонидан тўланади.
- Ютуқларнинг маркаси ва модели мавжудлигига кўра ўзгартирилиши мумкин.
- Қолган шартлар компания йўриқномасида қайд қилинади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас!
Шунингдек!
28та эфир: бепул 600 дақиқа вақти
56та эфир: бепул 300 дақиқа вақти

* 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, то ютуқлар ўйналадиган кунга қадар ўчирилмаган абонентлар.

Ўзбекистоннинг барча йирик шаҳарларини қамраб олган энг кенг GSM тармоғи

БЕПУЛ уланиш
SIM карта хариди учун
50% чегирма
"Komfort" хизмат кўрсатиш пакети бундан мустасно

Ягона маҳаллий қўнғироқлар ҳудуди
Ўзбекистон бўйича барча қўнғироқлар маҳаллий қўнғироқлар каби тўланади

For your satisfaction only!

DAEWOO UNITEL CELLULAR SERVICE

Бош офис:
Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 1. Тел: 185-00-22.
"Intercontinental" меҳмонхонасидаги филиал:
Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107а. Тел: 185-09-80.

Компаниянинг вилоятлардаги офислари:
Андижон: 53-00-56, Бухоро: 223-05-36, Қарши: 221-15-02, Қўқон: 2-33-30
Навоий: 223-89-00, Наманган: 4-29-53, Нукус: 222-71-59, Самарқанд: 33-09-06
Термиз: 7-52-19, Урганч: 226-38-50, Фарғона: 24-10-31

Лицензия: РТ № 0000123

